

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида*

*УДК: 338.45.658.64*

**МУРОТҚОБИЛОВ АКМАЛ АБДУҒАНИЕВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ  
ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ-  
ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ**

**Магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори,  
профессор М.Қ.Пардаев**

**САМАРҚАНД - 2013**

## МУНДАРИЖА

|  |     |
|--|-----|
| <b>КИРИШ</b> .....   | 3   |
| <b>I-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА<br/>МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА<br/>ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ<br/>НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ</b> .....                      | 11  |
| 1.1. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва<br>хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти .....   | 11  |
| 1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий<br>ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари .....   | 17  |
| 1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда<br>улар эркинлигининг кафолатлари ва уларни амалга оширишнинг<br>асосий йўналишлари.. .....                                  | 29  |
| <b>II-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИ-<br/>ТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ<br/>РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА<br/>ОМИЛЛАРИ</b> .....                        | 40  |
| 2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда<br>инновацион лойиҳаларга қўйиладиган инвестицияларни баҳолаш<br>йўллари.....  | 40  |
| 2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида<br>инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадлари ва<br>йўналишлари.....  | 48  |
| 2.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий<br>ривожлантиришда ички имкониятларни аниқлаш ва улардан<br>фойдаланиш йўллари .....                                      | 58  |
| <b>III-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА<br/>КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ<br/>РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ПРОГНОЗ<br/>КЎРСАТКИЧЛАРИ</b> .....                        | 70  |
| 3.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни<br>ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари ...  | 70  |
| 3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг<br>фаолият турлари ва таркиби бўйича прогноз кўрсаткичлари .....   | 75  |
| 3.3. Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган<br>кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳолатининг<br>таҳлили ва улар фаолиятини такомиллаштириш йўллари..... | 80  |
| <b>ХУЛОСА</b> .....  | 96  |
| <b>АДАБИЁТЛАР</b> .....  | 107 |
| <b>ИЛОВА</b> .....   | 117 |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Иқтисодий эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, мамлакатимиз ва унинг ҳар бир ҳудудининг иқтисодий юксалишида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барқарорлашишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг ўрни катта. Ушбу соҳага мустақилликнинг биринчи кунларидан катта эътибор қилиниб келинмоқда. Мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришнинг ўзига хос тизими ва давлат сиёсатининг асосий йўналишлари шаклланди.

Мазкур соҳасида бозор муносабатлари ва рақобат муҳитини янада ривожлантириш, ушбу субъектларни биринчи галда хусусийлаштириш, хусусий секторда фаолият кўрсатаётган соҳаларни кенгайтириш, хизматлар бозорида мулкчиликнинг барча шакллари учун кенг шарт-шароитлар яратиш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи ролни ўйнаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга дахлдордир.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб тадбиркорлик тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Сўнгра “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун амалга киритилди. Унга бир қанча қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиб, унинг янги таҳрири 2012 йилда қабул қилинди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги такомиллашган қонуни амалда қўлланилмоқда. Бу талабларни амалга ошириш масаласи ўта жиддий масалалар сирасига киради. Аммо ушбу соҳа ҳамон чуқур тадқиқ қилинмаган. Шу жиҳатдан мазкур мавзу ўта долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, биринчидан, уни ривожлантириш объектив зарурат бўлса, иккинчидан, ривожлантириш учун унинг назарий масалаларининг ечимини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Учинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик масаласи нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган соҳадир. Буларнинг барчаси ушбу мавзунини танлаш учун асос бўлди.

**Мавзунинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мавзу бевосита республикамизда олиб борилаётган аҳолининг яшаш даражасини сифат босқичига кўтарилишига қаратилган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мос келади. Бу йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "... биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор"<sup>1</sup>. Мазкур вазифа 2013 йилда ва ундан кейинги йиллар учун ҳам устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Ушбу вазифани муваффақиятли бажариш учун унинг назарий ва услубий жиҳатларини ҳам чуқур тадқиқ қилишни тақозо қилади.

Мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳаётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик алоҳида ўринга эгаллиги туфайли бу масала ўрганилиши лозим бўлган муаммолардандир. Чунки, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёни узлуксиз давом этиб турган пайтда ушбу соҳадан тушадиган маблағлар бир томондан, иқтисодиётнинг ривожланишини таъминласа, иккинчи томондан, аҳоли ижтимоий ҳаётининг яхшиланиши учун муҳим роль ўйнайди.

2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши мамлакат ЯИМда 54,0 %дан кўпроқ бўлиши кўзда тутилган. Мазкур соҳасининг самарали соҳага айлаиши бугунги кунда объектив заруриятдир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 7 б.

Шу боис, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишларини жадал олиб боришни такозо қилмоқда. Аммо бу масалалар тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг алоҳида Самарқанд вилоятида ривожланиш масаласи кам ўрганилган муаммолар сирасига киради. Муаммонинг бу жиҳатлари мавзунинг ўта долзарблигидан далолат беради.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Ўзбекистонлик ва хорижий олимлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини тадқиқ қилиш, муаммолари ва уларни ривожлантиришга оид кенг қамровли масалалар билан ҳам шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига М.М.Муҳаммедов, Б.А.Абдукаримов, С.Салаев, Э.С.Файзиев, Ш.Султонов кабиларни киритиш мумкин. Мамлакатимиз иқтисодиёти ўзига хос хусусиятларга ва модернизацион жараёнда ривожланаётганлиги туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳам ўзига хосликдан холи эмас. Шу туфайли ушбу масалани ўзимизга хос тарзда қараб чиқиш ва уларни ривожлантириш муаммоси мамлакатимиз олимлари томонидан етарлича ёритилган эмас. Мос равишда, уларнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган адабиётлар ҳам кам нашр қилинган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур муаммо ўта долзарб муаммолар сирасига киради.

**Магистрлик диссертациясининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент ва статистика” кафедрасининг ва Самарқанд иқтисодиёт мактабининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқ ва унинг таркибий қисми ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини асослашга қаратилган илмий ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

- **Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий масалаларини ёритиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишларини қараб чиқиш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омилларини қараб чиқиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион омиллар ва уларнинг йўналишларига алоҳида аҳамият бериш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицион омиллар ва уларнинг асосий йўналишларини тадқиқ қилиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ёритиб бериш;
- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари ва прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг фаолият турлари ва таркиби бўйича прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг худудлари бўйича прогноз кўрсаткичлари ёритиш.

**Тадқиқотнинг объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд вилоятида жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари асослаш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг методи** бир қанча услуб ва усуллардан иборат бўлиб, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари билан, улар ўртасидаги боғлиқлик стахостик бўлганда иқтисодий математик ва статистик усуллардан, айрим тенденцияларни аниқ ифодалаш учун график усуллари билан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқот гипотезаси.** Иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ таклиф ва тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши мамлакатимизда мазкур соҳани жадаллик билан ривожлантиради, янги иш ўринларини очиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилиш орқали аҳолининг турмуш даражасини ва яшаш сифатини оширади.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** иқтисодиётни модернизация қилиш ва диверсификациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ички имкониятларни ишга солиш йўллари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Бу қуйидагиларда ўз аксини топган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий турларига аниқликлар киритилди ва уларнинг такомиллашган таърифлари ажратиб олинди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари бир қанча усуллардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ички имкониятларни ишга солган ҳолда ривожлантириш ва самарадорлигини оширишнинг истиқболини белгилаш бўйича тавсиялар асосланди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини модернизация қилиш ва унинг кўламини кенгайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни самарадорлигини оширишнинг истиқболий йўналишлари белгиланиб, уни ривожлантириш бўйича прогноз кўрсаткичлар тавсия қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти иқтисодиётни модернизация қилиш жараёни узлуксиз амалга оширилаётган паллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муаммоларни тадқиқ қилишда, уларнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқишда, мазкур соҳа бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти иқтисодиётни модернизациялаш ва маҳсулот ва хизматларни диверсификациялаш шароитда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тегишли тавсияларни ишлаб чиқишда ва ушбу соҳа ривожини таъминлаш юзасидан таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилишда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган назарий ва амалий тавсиялар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўқув жараёнига тадбиқ этилган ва Самарқанд вилояти

иқтисодиёт бошқармасида амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Шунингдек мазкур тадқиқот натижаларидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурини ишлаб чиқишда қўлланилиши кўзда тутилган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот натижасида олинган хулосалар ва илмий натижалар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказилган “Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда (2013 йил 20-21 февраль) иккита маъруза қилинди ва конференция материаллари сифатида нашрдан чиқарилди. Муаллифнинг таклифлари ўтган конференцияларда олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва конференция илмий тавсияларида ўз аксини топган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 3 та иш нашр қилинган. Буларнинг ҳаммаси 2013 йилда конференция материаллари ва тезисларида чоп этилади.

**Ишнинг таркибий тузулиши.** Иш кириш учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, ҳимояга олиб чиқиладиган жиҳатлар, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, унда қўлланиладиган услуб ва усуллар ёритилади.

Магистрлик диссертациясининг биринчи бобида “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий масалалари” ёритилган. Унда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ривожлантиришда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қараб чиқилган.

Ишнинг иккинчи бобида “Иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва омиллари” қараб чиқилган. Унинг таркибида учта параграф бўлиб, қуйидаги масалаларга бағишланган: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион омиллар ва уларнинг йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда инвестицион омиллар ва уларнинг асосий йўналишлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари. Барча масалалар амалий маълумотларни қўллаган ҳолда ёритилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Иқтисодийни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари ва прогноз кўрсаткичлари”га бағишланган. Ушбу бобда ҳам учта параграф берилган. Унда Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг фаолият турлари ва таркиби бўйича прогноз кўрсаткичлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудлари бўйича прогноз кўрсаткичлари ёритилган.

Тадқиқотнинг «Хулоса» қисмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот натижасида олинган хулоса, тавсия ва таклифлар берилган. Барча тушунча ва калитли сўзлар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан умумлаштирилган.

## **I-бoб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **1.1. Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти**

Тадбиркорлик фаолияти билан асосан хусусий ёки нодавлат мулкнинг бошқа шакллари асосида фойда кўришни мақсад қилиб фаолият кўрсатадиган субъектлар шуғулланишлари мумкин. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда эътироф этилишича давлат органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас. Шу жиҳатдан тадбиркорлик субъектлари ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадбиркорлик субъектлари тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мақомига эга субъектлар ҳам маълум даражада ўзига хослиги билан фарқ қилади.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда “Кичик тадбиркорлик субъектлари” тушунчаси киритилган. Қонунга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари унда банд бўлган ходимлар сони билан белгиланади. Бунга қуйидагилар:

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 20 (йигирма) киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 10 (ўн) киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 5 (беш) киши бўлган микрофирмалар киради;

саноатда бир мунча бошқачароқ. Енгил ва озик-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати, курилиш материаллари саноати, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 100 (юз) киши бўлган субъектлар киради;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 25 (йигирма беш) киши бўлган кичик корхоналар<sup>2</sup>.

Айрим кичик тадбиркорлик субъектлари борки, улар бир неча фаолият тури билан шуғулланади. Уларни кўп тармоқли субъектлар дейилади. Уларнинг қайси тармоққа мансублигини аниқлаш учун йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури олинади. Мазкур мезонлари бўйича юридик ва жисмоний шахслар кичик тадбиркорлик субъектларининг у ёки бу тармоғига мансуб деб топилади.

Ҳозирги пайтда амалдаги тартиб бўйича тадбиркорлик субъектларига хабарнома тақдим этилади. Мазкур ҳужжатда уларнинг кичик тадбиркорлик мақоми кўрсатилади. Ваколатли органлар ва ташкилотлар, хусусан, давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқалар томонидан турли имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, улар кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарномадан воқиф бўлиши лозим. Шунини эътироф этиш керакки, хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилади.

Аҳолини, айниқса касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналарга айрим енгилликлар берилган.

---

<sup>2</sup> “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунига биноан касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини кўпи билан 20 % ошириши мумкин. Ходимлар сонининг оширилиши инobatга олинадиган жиҳат ҳам юқоридаги қонунда аниқ белгилаб кўйилган. Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл кўйилади, дейилган. Демак, кичик бизнес корхоналари раҳбарлари ходимларни ишга қабул қилишда мазкур ҳолатни инobatга олишлари лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яна бир йўналиши якка тартибдаги тадбиркорлик ҳисобланади. Мазкур субъектнинг таърифи қонунда келтирилган. **Якка тартибдаги тадбиркорлик** дейлганда, якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл кўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилиши тушунилади.

Якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахс мақомига эга бўлган ҳолда ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. У маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга. Жисмоний шахс ўз тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимлар тузади. Ушбу жараёнда, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганлигини аниқ кўрсатиши керак. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, якка тартибдаги тадбиркор ҳам бошқа субъектлар сингари ўз мажбуриятлари бўйича зиммасидаги жавобгарликдан озод этилмайди. Буларнинг фаолияти ҳам тўлиқ қонунлар ва бошқа меърий ҳужжатлар асосида тартибга солинади.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун ўзининг мулки бўлиши керак. Агар мулк оилавий бўлиб, эр-хотиндан бири шундай тадбиркорлик билан шуғулланса эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-

мулкидан фойдаланадиган ҳолларда амалга оширилади. Агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади. Барча ҳолларда мулк эгаллиги нодавлат характерга эга бўлади. Бундай тадбиркорлар ҳам зарур ҳолларда ўрнатилган тартибда тижорат банкларидан кредит олиши мумкин.

Агарда тадбиркорлик билан бир вақтнинг ўзида бир қанча кишилар шуғулланадиган бўлса, бундай жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Бундай тадбиркорлик оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши кўзда тутилган.

Оилавий тадбиркорликнинг амалга оширилиши, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги тузилиши, фаолият кўрсатиши ҳамда фаолиятининг тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Ҳозирги кунда барча йўналишлар бўйича қонунлар қабул қилинган ва амалда қўлланилмоқда.

Жумладан, 2012 йилнинг 8 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни<sup>3</sup> қабул қилинди. Ушбу қонун Олий Мажлиснинг Сенати томонидан 2012 йилнинг 23 мартда маъқулланди. Мазкур соҳани, яъни оилавий тадбиркорликни ташкил қилиш, фаолиятини такомиллаштириш бўйича “Оилавий корхона иқтисодиёти”<sup>4</sup> номли махсус монография тайёрланган ва нашрдан чиқарилган. 1998 йилнинг 30 апрелида Ўзбекистон Республикасининг “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги<sup>5</sup> қонуни қабул қилинган. Ҳозиргача унга бир қанча ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб такомиллаштрилди.

<sup>3</sup> “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2012 йил 8 мартда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Ушбу қонун Олий Мажлиснинг Сенати томонидан 2012 йилнинг 23 мартда маъқулланган.

<sup>4</sup> Кудратов Ф.Х., Пардаев М.Қ., Худайбердиев У.Х., Пардаева О.М. Оилавий корхона иқтисодиёти. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 232 бет.

<sup>5</sup> “Деҳқон хўжалиги тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 1998 йил 30 апрель 604-1 сонли қонуни.

Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топган. Тадбиркорлик субъектлари қонунда эътироф этилишича:

“юримдик шахс бўлган бошқа тадбиркорлик субъектларининг муассислари (иштирокчилари) бўлишга;

ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга;

ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

кредитлар олишга, бошқа юримдик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда ўзга мол-мулкни шартнома шартлари асосида жалб этишга, шу жумладан биноларни, иншоотларни, ускуналарни ва ўзга мол-мулкни олишга ва (ёки) текин, ижарага (лизингга) олишга ҳамда уларни тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга йўналтиришга ҳақли<sup>6</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Бу ҳуқуқлар уларнинг уставида ўз ифодасини топмоғи лозим. Агар улар лицензияланадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлса, ушбу лицензияда кўрсатилган ҳолатлар инобатга олинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига бир қанча мажбуриятлар ҳам юклатилган. Буларга қонунда белгиланган:

“солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

<sup>6</sup> “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2012 йил 8 мартда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Ушбу қонун Олий Мажлисининг Сенати томонидан 2012 йилнинг 23 мартида маъқулланган. 6 - моддаси.

меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун сертификатларга эга бўлиши;

бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритиши” каби мажбуриятларни киритиш мумкин<sup>7</sup>.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Булар ҳам тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ўзларининг ҳамкорлари билан тузилган шартномаларда ўз ифодасини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлатимиз иқтисодиётида янги соҳа бўлишига қарамасдан унинг улуши мамлакат иқтисодиётида ҳам ошиб бормоқда. Бунинг натижасида аҳолининг янги қатлами – ўрта синф вакиллари шаклланмоқда. Булар жамият тараққиётида, унинг барқарорлигини асрашда ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Энг муҳими аҳолининг ҳаёт даражаси, яшаш сифати ошиб боради.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини қонун доирасида эркин тасарруф этади. Улар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ҳуқуқлари ва манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар бўлган уюшмаларга (иттифоқларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашиши мумкин. Мазкур масалалар амалдаги тартиб қоидаларга, қонунда кўзда тутилган меъёрларга зид бўлмаслиги керак.

Биринчидан уларнинг фаолияти учун тегишли шароитнинг яхшиланиши бўлса, иккинчидан молиявий маблағларнинг етарлилик даражаси ҳам шунга мос бўлади. Учинчидан, журат қилиб бизнесга киришганлар иккиланмасдан фаолиятини бошлаш кўникмасига эга бўлади.

<sup>7</sup> “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни. 2012 йил 8 мартда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган. Ушбу қонун Олий Мажлисининг Сенати томонидан 2012 йилнинг 23 мартида маъқулланган. 6 - модда.

Бунга асосий сабаб мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитининг яратилиши устувор вазифа сифатида белгиланиши билан ҳам боғлиқдир.

## **1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тегишли шароитлар яратилган:

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича қонуний асослар ва ҳуқуқий таъминот яратилди;
- тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалий тажриба тўпланди;
- рақобат муҳити шакллантирилди;
- тадбиркорлар билан молиявий ташкилотлар ўртасидаги молиявий муносабатлар йўлга қўйилди;
- тадбиркорлик муҳити ҳам шаклланди;
- уларга тегишли имтиёзлар берилмоқда;
- давлатнинг аралашуви чекланди;
- бозор маконида фаолият кўрсатишга шароит яратилди;
- мос равишда уларнинг эркинлиги кафолатланмоқда;
- тегишли инфратузилма яратилди;
- ҳисоб ва ҳисобот тизими такомиллаштирилди;
- уларни ривожлантириш давлатнинг устувор вазифасига айланди;
- соҳа маълум даражада кадрлар билан таъминланмоқда;
- юқори технологияларни жорий қилишда, уларни хориждан келтиришда давлат кўмаклашадиган бўлди;
- маҳсулотлари ва хизматларини сотиш масаласида ҳам тегишли ёрдам берилмоқда;
- улар ўртасида товар-пул муносабатлари йўлга қўйилди;
- мулкдорнинг, истеъмолчи ва давлат манфаатлари ўртасидаги мутонасиблик шаклланди;

- уларнинг ишлаб чиқарган маҳсулоти ва кўрсатилган хизматига нархи эркин шакллантириладиган бўлди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга. Мазкур ҳолатда “ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш” иборасининг ишлатилганлигига сабаб, мазкур соҳа иқтисодиётга дахлдор бўлганлиги билан жуда кўп ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қилади. Жумладан, янги иш ўринларини очиш эвазига бандлик масаласини ҳал қилади, иш билан таъминлаш эвазига ходимларнинг фаровонлигини оширади, янги ўрта мулкдорлар катламини шакллантириш эвазига ижтимоий барқарорликни таъминлаш имконини яратади. Шу туфайли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Унинг аҳамиятидан ўзига хос хусусиятлари ҳам келиб чиқади. Бундай хусусиятларга қуйидагиларни келтириш мумкин (1.1-расм).



**1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБ ва ХТ) субъектларининг ўзига хос хусусиятлари**

Биринчидан, катта маблағ ва кўп вақт талаб қилмасдан фаолиятни юритиш имкониятининг мавжудлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

омидан ҳам маълумки, унинг ҳажми кичик. Кичик бўлгач, бизнесни очиш ва бошлаш учун унчалик катта маблағни талаб қилмайди. Шунингдек, кўп вақтни ҳам сарф қилиш шарт эмас. Масалан уйда нон ёпиш цехини очиш керак бўлса, битта нон ёпадиган технологияни олиб келиб ўрнатилиши билан ишни бошлайвериш мумкин. Ёки таббиркор 10 бош қорамол сотиб олиб чорвачилик, яъни гўшт етиштиришни мақсад қилиб олса ҳам унчалик катта маблағ ва вақт керак бўлмайди. Шу жиҳатдан мазкур соҳанинг маблағ ва вақт талаб қилиши нуқтаи назаридан ўзига хос хусусиятлари, унинг арзонлиги, тез битиши каби қулайлиги билан характерланади.

Иккинчидан, асосан хусусий мулкка асосланган ҳолда ривожланиши. Ҳозирги шароитда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда асосан хусусий мулк устуворликни ташкил қилади. Бизнесни очиш ва оборот маблағларини ушлаб туришда тижорат банкларидан маблағларни кредит сифатида олиши мумкин. Аммо булар ҳам ўз маблағлари эвазига қопланади. Шу жиҳатдан ушбу соҳа ўзига хос хусусиятларга эга

Учинчидан, оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона мақомида фаолият кўрсатиши. 2012 йилда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур тадбиркорлик моҳияти жиҳатидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўхшайди. Аммо бу ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Чунки улар асосан оилавий мулкка ва оилавий меҳнатга асосланади. Фойда ҳам оила аъзолари ўртасида тақсимланади, оиладаги барча ишсиз кишилар иш билан таъминланади. Оиланинг фаровонлиги ва яшаш сифати кескин ошиб боради. Шунинг учун ушбу тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида катта аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, мазкур соҳанинг асосан хизмат кўрсатишга қаратилганлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий моҳияти билан у хизмат кўрсатиш соҳасига мансуб. Чунки барча хизмат кўрсатувчи субъектлар мақоми нуқтаи назаридан кичик бизнесдан

иборатдир. Ушбу субъектларда асосан чегараланган кишилар сони ишлайди. Ва шу мақомни эгаллаш учун рўйхатдан ўтиш, фаолият юритишдаги имтиёз ва бошқа енгилликлардан манфаатдор бўлади. Булар ҳам мазкур соҳанинг муҳим ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Бешинчидан, битта иш ўрнининг арзорлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиган субъектларда, бизнинг сўровларимиз натижаси кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасида битта иш ўрнининг қиймати бинодан ташқари 3247,3 минг сўмни ташкил қилади. Қайсики йирик бизнес субъектларида ушбу кўрсаткич 7-9 баробар юқориликка гувоҳ бўлди. Албатта йирик бизнес субъектларида самарадорлик мос равишда юқори, аммо уларни очиш катта маблағни ва кўп вақтни талаб қилади. Сўнгра бозор конъюктурасига унчалик мослаша олмайди.

Олтинчидан, талаб ва таклифнинг ўзгариши билан унинг фаолиятини ҳам тез ўзгартириш имкониятининг мавжудлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъектлари маҳсулотлари ёки хизматларига талаб кўпайса мос равишда ўша хизмат турини кўпайтириш мумкин. Аксинча бирорта маҳсулот ёки хизмат турига талаб камайса, тезлик билан йўналишини ўзгартириш имконияти бўлади, чунки улардаги жиҳозлар арзонлиги билан фарқ қилади. Масаланинг ушбу жиҳати мазкур соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришида ўзига хос хусусиятларга эгаллигидан яна бир далолатдир.

Еттинчидан, бозор конъюктурасига мослашувчанлиги. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг энг зўр хусусиятларидан бири бозор конъюктурасига мослашувчанлигида намоён бўлади. Юқорида таъкидлангандек, ҳозирги замонда ҳаёт шиддат билан ўзгариб бормоқда. Бу ўзгариш мос равишда маҳсулотлар ва хизматларнинг ҳам тез ўзгаришини муттасил такомиллашиб боришини тақозо қилади. Бу ҳолатга мазкур соҳа субъектлари тез мослашиш имкониятига эга.

Бозор муносабатлари шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг асосий ҳал қилувчи бўғини сифатида

майдонга чиқади. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодиёти айнан ушбу соҳани ривожлантирилганлик даражаси билан белгиланади. Юқорида таъкидланганидек, ушбу соҳанинг жуда кўп қулайлик томонлари мавжудки, улар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга.

Энди **тадбиркорлик** тушунчасининг таърифи бўйича олимларнинг қарашларига қасқача тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бу борада жуда кўп фикрлар айтилган. Уларнинг айримларини ушбу жадвалда келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик (1.1-жадвал).

### 1.1-жадвал

#### Тадбиркорлик тушунчасининг таърифи бўйича турли олимларнинг қарашлари

| Т/р | Олимларнинг исми ва шарифи                                | Тадбиркорлик бўйича берилган таърифлар  | Манба  |
|-----|---|---|--|
| 1.  | Й.Шумпетер  | Тадбиркор бўлиш – бу бошқалар қилаётган ишни қилмаслик, ... ва қилганда ҳам ана шу ишни бошқарардек тарзда қилмасликдир   | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 264 б. |
| 2.  | Роберт Хизрич   | Тадбиркорлик – бу қиймага эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёнидир. Тадбиркор эса шу нарсани яратиш учун ўзининг барча вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз гарданига молиявий, руҳий, ижтимоий масъулиятни олувчи, ўз ишининг натижаси сифатида катта мукофот олувчи инсон. | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 264 б. |
| 3.  | Ўзбек тилининг изоҳли лугатида (1981 йилда нашр қилинган) | Тадбиркорлик – пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқарилган амалий чоралар асосида иш тутмоқ демакдир.  | Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Т.: 1981. - 106 б.   |
| 4.  | Ўзбек тилининг изоҳли лугатида                            | Тадбиркорлик – тадбиркорга хос хатти-ҳаракат, фаолият, хислат.  | Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 3-жилд.- “Ўзбекистон   |

|     |                                  |  |   |
|-----|----------------------------------|--|---|
|     | (2007 йилда<br>нашр<br>қилинган) |  | миллий<br>энциклопедияси”,<br>2007. - 636 б.  |
| 5.  | Ж.Б.Сей                          | Тадбиркорлик – бу бирон мақсадни<br>кўзлаб, ишлаб чиқариш омилларини<br>уйғунлаштирувчи иқтисодий<br>агентдир.   | Т.Дўстжанов ва<br>С.Салаев<br>Иқтисодиёт ва<br>тадбиркорлик<br>асослари. Ўқув<br>қўлланма. – Т.:<br>“IQTISOD-<br>MOLIYA”. 2006. –<br>262 б. |
| 6.  | А.Смит                           | Тадбиркорлик – бу ишлаб чиқариш<br>омилларининг эгасидир.  | Т.Дўстжанов ва<br>С.Салаев<br>Иқтисодиёт ва<br>тадбиркорлик<br>асослари. Ўқув<br>қўлланма. – Т.:<br>“IQTISOD-<br>MOLIYA”. 2006. –<br>262 б. |
| 7.  | Ф.Хайек                          | Тадбиркорлик – бу ўзига хос<br>ижтимоий-рухий тоифадаги хўжалик<br>юритувчи бўлиб, унинг учун ҳар хил<br>бозор имкониятларини таҳлил<br>қилиш, фойдаланиш, янги ғояларни<br>сафарбар қилиш муҳимдир. | Т.Дўстжанов ва<br>С.Салаев<br>Иқтисодиёт ва<br>тадбиркорлик<br>асослари. Ўқув<br>қўлланма. – Т.:<br>“IQTISOD-<br>MOLIYA”. 2006. –<br>263 б. |
| 8.  | Г.Пиншо                          | Тадбиркорлик – бу бировларнинг<br>пулини ишлатиш эвазига пул<br>топишдир.  | Т.Дўстжанов ва<br>С.Салаев<br>Иқтисодиёт ва<br>тадбиркорлик<br>асослари. Ўқув<br>қўлланма. – Т.:<br>“IQTISOD-<br>MOLIYA”. 2006. –<br>263 б. |
| 9.  | А.Ўлмасов,<br>М.Шарифхў<br>жаев  | Тадбиркорлик – бу соҳибкорлик<br>билан фойда олишга қаратилган<br>фаолият.   | Улмасов А.,<br>Шарифхўжаев М.<br>Иқтисодиёт<br>назарияси.<br>Дарслик. - Т.:<br>Ўзбекистон, 1995.<br>– 450 б.                                |
| 10. | Т.Дўстжанов<br>ва С.Салаев       | Тадбиркорлик кенг маънода –<br>шахсий манфаатга асосланган,<br>субъект олдида турган мақсадга<br>эришишга қаратилган, унинг  | Т.Дўстжанов ва<br>С.Салаев<br>Иқтисодиёт ва<br>тадбиркорлик<br>асослари. Ўқув   |

|     |                                  |  |  |
|-----|----------------------------------|--|--|
|     |                                  | бевосита иштирокида ўзининг шахсий омилларига асосланиб амалга оширадиган, оила хўжалигини юритишдан тортиб, товар ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган юмишлар билан боғлиқ ақлий фаолиятдир.   | қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 264 б.   |
| 11. | Т.Дўстжанов ва С.Салаев          | Тадбиркорлик тор маънода – фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни ифода этади.  | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 264 б.               |
| 12. | У.Умаров                         | Тадбиркорлик фаолияти – бу ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун моддий неъматлар ва хизматлар яратиш, тадбиркорнинг хусусий моддий манфаатларини реализация қилишнинг пировард мақсади учун ишлаб чиқариш омиллари ресурсларини кўшиш ва ташкил қилишдир.                      | Умаров У. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: “мерос”, 2004. - 171 б.   |
| 13. | ЎзР қонунида                     | Тадбиркорлик – амалдаги қонунларга мувофиқ даромад олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолияти. | “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”. ЎзР Қонуни 3-моддаси. 2000 йилда қабул қилинган. |
| 14. | ЎзР қонунида                     | Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолиятидир.  | “ Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”. ЎзР Қонуни. 2012 йил 26 апрелда қабул қилинган.   |
| 15. | Б.А.Абдукаримов, Ф.Б.Абдукаримов | Тадбиркорлик – бу даромад олиш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва тайёрланган маҳсулотни  | Абдукаримов Б.А., Абдукаримов Ф.Б. Савдо иқтисодиёти. Ўқув   |

|  |      |   |   |
|--|------|---|---|
|  | ИМОВ | сотиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда олди-сотди билан шуғулланадиган кишилар фаолияти, яъни фойда олиш борасидаги ҳаракат (фаолият) тушунилади. | қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2013. – 33 б. |
|--|------|---|---|

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, тадбиркорликнинг таърифи бўйича мумтоз иқтисодий адабиётларда ҳам, бугунги кундаги олимлар ишланмаларида ҳам, ҳатто қонуний ҳужжатларда ҳам бир хил қараш шаклланмаган. Буларнинг ҳаммасига назарий таҳлил ва хулосаларимизни билдирмасдан, бу борадаги ўзимизнинг қарашларимизни ифода этишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бизнинг фикримизча ушбу тушунчага қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. **Тадбиркорлик дейилганда, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ даромад олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолияти тушунилади.**

Ушбу таърифни назарий жиҳатдан қуйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, тадбиркорлик дейилганда, ҳар қандай фаолият эмас, балки ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолият бўлмоғи лозим. Даромад (фойда) топиш илинжида ижтимоий эҳтиёжларга зид фаолият ҳам бўлиши мумкин. Масалан, норкобизнес, экстремистик ҳаракатлар каби.

Иккинчидан, бу ишларни аниқ бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилишини тақозо қилади. Агар у маълум даражада рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатадиган бўлса, қандай нарсалар ишлаб чиқиши ёки қандай хизматлар кўрсатиши номаълум бўлади. Булар назоратдан ҳоли бўлганлиги туфайли, уларнинг жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб фаолият кўрсатишига ҳамиша ҳам кафолат бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли ҳозорги пайтда иқтисодиётнинг барча бўғинларида маълум даражада риск борлиги инкор этилмайди.

Учинчидан, тадбиркорлик фақат амалдаги қонунларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Ноқонуний даромад олишга қаратилган фаолиятни тадбиркорлик фаолияти, деб бўлмайди. Чунки ундан нафат мулкдор ёки ходим, балки жамият ва давлат ҳам манфаатдор бўлиши керак. Ноқонуний яширин ҳолда амалга оширилган тадбиркорликдан олинган даромаддан табиийки, солиқ ундириб бўлмайди. Бундан давлатнинг манфаатдорлиги таъминланмасдан қолади.

Тўртинчидан, тадбиркорлик шунчаки фаолият эмас, балки у даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган фаолиятдир. Агар даромад олмайдиган бўлса, унинг сениши тайин. Бу мулкдорга ҳам, ўша ерда фаолият кўрсатаётган ходимларга ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам наф келтирмайди. Нафсиз фаолиятни тадбиркорлик фаолиятига тенглаштириш ҳам мумкин эмас.

Бешинчидан, тадбиркорлик шунчаки фаолият эмас, балки жамиятнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан амалга оширилиши лозим. Акс ҳолда ҳар қандай фаолият ҳам тадбиркорлик бўлавермайди. Масалан таълим хизматлари. Бу ҳам жамият эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлиши керак. Масалан диний экстремистик оқимларни ўқитиш ҳам таълим хизмати. Аммо у жамият эҳтиёжига зид бўлганлиги туфайли уни тадбиркорлик фаолияти эмас, балки жиноий фаолиятга киритиш лозим бўлади.

Олтинчидан, тадбиркорлик таваккал қилиб ва ўз мулквий жавобгарлиги остида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолиятини кўзда тутуди. Чунки, тадбиркорлик фаолияти ҳамиша синалга рисклар бутунлай бартараф қилинган ҳолатда давом этмайди. У албатта маълум даражада риск борлигини эслатиб туради. Бу эса тадбиркордан таваккалчиликни талаб қилади.

Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала анча мураккаб ва назарий жиҳатдан ҳали етарли даражада ишланмаган соҳа экан. Шу туфайли ўз фикримизни исботлашга ҳаракат қилдик. Аммо бизнинг қарашларимиз

фақат бизники, биз учун у мукамал, аммо бутунлай мукамалликка даво килмайди. Ҳали бу борадаги илмий-назарий таҳлиллар давом этади, деган умиддамиз.

Энди **тадбиркор** ҳақида ўз қарашларимизни изоҳлашни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки бу борада ҳам жуда кўп ноаниқликлар ва турли қарашлар мавжуд. Бунга гувоҳ бўлиш учун олимлар фикрини келтирамиз (1.2-жадвал).

### 1.2-жадвал

#### Тадбиркорлик тушунчасининг таърифи бўйича турли олимларнинг қарашлари

| Т/р | Олимларинг исми ва шарифи                | Тадбиркорлик бўйича берилган таърифлар  | Манба  |
|-----|--|---|--|
| 1.  | Роберт Хизрич                            | Тадбиркор бирор нарсани яратиш учун ўзининг барча вақти ва кучини сарфлайдиган, ўз гарданига молиявий, руҳий, ижтимоий масъулиятни олувчи, ўз ишининг натижаси сифатида катта мукофот олувчи инсон. | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 264 б.               |
| 2.  | Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (1981 й.) | Тадбиркор – бу тадбир билан пухта ўйлаб иш қиладиган киши.  | Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Т.: 1981. - 106 б.   |
| 3.  | Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (2007 й)  | 1. Тадбиркор – тадбир қилувчи, тадбир изловчи. 2. Ишлаб чиқариш ёки бошқа фаолиятни ташкил этувчи, молиялаштирувчи, тижорат ёки саноат корхонасини фойда олиш мақсадида бошқарувчи шахс, мулкдор.   | Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 3-жилд.- “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2007. - 636 б.  |
| 4.  | ЎЗР қонунида                             | Тадбиркор – юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан доимий асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс.   | “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолотлари тўғрисида”. ЎЗР Қонуни 3-моддаси. 2000 йилда қабул қилинган. |

|     |                                     |   |  |
|-----|-------------------------------------|---|--|
| 5.  | А.Смит                              | Тадбиркор – бу дадил, муҳим ва мураккаб мақсадларни рўёбга чиқаришга жазм этиб, янги ғояларни амалга ошириш билан боғлиқ бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб таваккал иш юритувчи шахс. | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 262 б.               |
| 6.  | Ж.Б.Сей                             | Тадбиркор – бу бирон мақсадни кўзлаб, ишлаб чиқариш омилларини уйғунлаштирувчи иқтисодий агентдир.  | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 262 б.               |
| 7.  | Ф.Хайек                             | Тадбиркор – бу ўзига хос ижтимоий-руҳий тойифадаги хўжалик юритувчи бўлиб, унинг учун ҳар хил бозор имкониятларини таҳлил қилиш, фойдаланиш, янги ғояларни сафарбар қилиш муҳимдир.     | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 163 б.               |
| 8.  | Г.Форд                              | Тадбиркор – бу ўзининг мустақил ғоясига эга бўлган кишидир.   | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”. 2006. – 163 б.               |
| 9.  | АҚШнинг шиори                       | Тадбиркорлар – миллатнинг олтин фонди.  | Т.Дўстжанов ва С.Салаев Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИQTISOD-MOLI-YA”. 2006. – 163 б.              |
| 10. | Б.А.Абдукаримов,<br>Ф.Б.Абдукаримов | “Тадбиркор” ва “Ишбилармон” атамалари бир-бирига яқин тушунчалар бўлиб, улар ташаббускор, эпчил, уддабурон, серҳаракат инсонларни номлайдиган терминлардир.                             | Абдукаримов Б.А., Абдукаримов Ф.Б. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” ДИН, 2013. – 31 б. |

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркор атамасига ўзимизнинг таърифимизни беришни лозим, деб топдик. Бунда тадбиркорликни фаолият деб қарайдиган бўлсак, тадбиркорга субъект сифатида қаралади. Шу жиҳатдан улар мазму-моҳияти жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Шундай қилиб

биз тадбиркорга куйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Тадбиркор дейилганда, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан қонуний асосда жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс тушунилади.** Ҳақиқатда ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти қонуний асосда ташкил қилинган бўлиши лозим. Қонун асосида фаолият кўрсатувчи шахс тадбиркордир. Агар у ноқонуний пул топиш билан шуғулланса, уларни тадбиркор сафига киритиб бўлмайди.

Юқорида келтирилган таърифни назарий жиҳатдан куйидагича асослаш мумкин. Биринчидан, тадбиркор дейилганда, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан фаолият кўрсатиши инобатга олинган. Аммо у ташкил этмасдан тадбиркорликнинг бирорта шакли бўйича (якка тадбиркор, оилавий тадбиркор ва ҳ.к.) рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Иккинчидан, тадбиркор жамият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолият билан шуғулланиши лозим. Жамият эҳтиёжига зид бўлган ва унинг барқарорлигига салбий таъсир қиладиган фаолият билан шуғулланиб топиладиган даромад тадбиркорлик даромадига кирмайди. Жамият эҳтиёжига зид фаолиятнинг деярли ҳаммаси жинойи фаолият бўлиб ҳисобланади. Бундай йўл билан пул топишга ҳаракат қилинмаслиги лозим. Учинчидан, тадбиркор қонуний асосда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс бўлиши лозим. Юқорида таъкидланганидек, ноқонуний йўллар билан пул топадиган шахс ҳуч маҳал тадбиркор бўла олмайди. Ушбу далиллар ҳам кўрсатадики, биз тавсия қилган таъриф ҳар ҳолда такомиллашган таърифлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин.

Тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаларига аниқлик киритилгач, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам таърифини ишлаб чиқиш учун объектив зурурият туғулди. Иқтисодий адабиётларда ушбу атаманинг таърифини учратмадик. Буларни инобатга олиб ва унинг заруратидан келиб чиқиб, мазкур атамага ҳам ўзимизнинг таърифимизни беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Кичик бизнес ва хусусий**

тадбиркорлик субъектлари дейилганда, қонун ва бошқа меъерий ҳужжатларда кўрсатилган ходимлар сони доирасида ўз мулкига асосланиб таваккал қилиб, жамият манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатадиган (ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш) хўжалик юритувчи субъектлар (юримдик шахс ташкил қилган ва юримдик шахс ташкил қилмасдан фаолият кўрсатадиган) тушунилади.

Бизнинг фикримизча, биз берган таърифлар, мукамалликка даво қилмасида, мазкур тушунчаларнинг мазмунини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда тўлиқ ифода этади.

### **1.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда улар эркинлигининг кафолатлари ва уларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари**

Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг<sup>8</sup> 15-моддасида ўз ифодасини топган. Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектларининг ўз мол-мулки асосида ёки жалб қилинган мол-мулк асосида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорликни амалга оширувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб ариза берганидан кейин белгиланган муддатда тегишли давлат органи томонидан «бир дарча» принципи бўйича амалга оширилади. Мазкур орган уни рўйхатга олганлиги тўғрисида хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга биноан маълум қилади.

Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида тегишли идоралар томонидан давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз рад этган бўлса, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларида қонун талаблари бузилган бўлса ва уларнинг бошқа ҳаракатларидан қоникмаса, улар устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори,

<sup>8</sup> “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. – 15 моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон.

шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилса, етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация ҳам тўлайди. Шу туфайли мазкур масалага дахлдор бўлган давлат органи ариза берувчининг талабига жиддий ёндошиши, уларни асоссиз равишда рўйхатдан ўтказишни рад этмаслиги ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузмаслиги лозим.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг лицензияланиши лозим бўлган турлари қонунлар билан белгиланган. Уларнинг сони қисқариб, лицензия бериш тартиби ва талаби енгиллаштирилмоқда. Аммо бу масалада ҳали такомиллаштирилиши лозим бўлган жиҳатлар талайгина.

Тадбиркорлик фаолиятининг мулкӣ асоси тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкӣ ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бундай ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгартирилиши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа ҳуқуқлар битимлар объекти бўлиши мумкин. Турли битимлар ва шартномалар ҳам мазкур масаланинг қонуний ҳал қилинишини белгилайди ва фаолият давомида амал қилади.

Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектларини кредитлаш қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда амалга оширилади, дейилган. Чунки кредитнинг турлари, уларни амалга ошириш йўллари бошқа меъёрий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Бундай тартиблар қонунлар ва Марказий Банкнинг йўриқномалари асосида амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёлари ва мулкӣ ҳуқуқларидан, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно, шунингдек ўзи олган кредитни тўлай олмаслик хавфини суғурта қилиш полисидан фойдаланиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини суғурта қилиш қонун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган тартибда суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳисоб ва ҳисоботини юритиш борасида ҳам бир қанча енгилликлар берилган ва улар ҳам қонун билан ҳимояланган. Одатда ҳисоб ва ҳисоботлар қонун ҳужжатларига мувофиқ юритади. Ҳозирги пайтда уларнинг ҳисоботи тадбиркорлик субъектининг хохишига кўра қоғозда ёки ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда, электрон шаклда тайёрланиши ва топширилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботи тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади ва интернет орқали топширилади. Бу тадбиркорнинг вақтини ва йўлга кетадиган маблағини тежаш имконини беради. Давлат тадбиркорлик субъектларига электрон шаклда ҳисоб юритилишини рағбатлантириш мақсадида, ушбу ишнинг дастурий таъминотини имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали таъминланиши ҳам кўзда тутилган

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг барча ҳуқуқлари қонун билан ҳимоя қилинган. Жумладан, давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаши ва уларни топширишга мажбур қилиши ҳам қатъиян ман этилган.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, уларнинг эркинлигини таъминлашга ва қонуний кафолатларини амалга оширишга катта аҳамият берилмоқда. «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2000 йилнинг 25 майида қабул қилинган эди. Аммо ҳаёт жадаллик билан ривожланмоқда, уларни бошқариш унсурлари муттасил такомиллашмоқда. Шу туфайли барча қонунлар сингари мазкур қонунга ҳам бир қанча ўзгартиш

ва кўшимчалар киритилди<sup>9</sup> ва нихоят 2012 йилда унинг янги таҳрирдаги варианты қабул қилинди.

Мазкур қонунга тегишли ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлангандан сўнг тадбиркорлик субъектлари эркинлигининг кафолатлари бир нечитага кўпайди<sup>10</sup>. Мазкур кафолатларга куйидагилар киради:

- ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни тасарруф этиш кафолатлари;
- даромадлари (фойдасини) тасарруф этиш кафолатлари;
- пул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари;
- ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги кафолатлари;
- мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари кафолатлари;
- хом ашё, товарлар, хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатлари;
- кредит олиш ва улардан эркинфойдаланиш кафолатлари<sup>4</sup>
- ахборот олиш эркинлиги кафолатлари;
- национализация, мусодара ва реквизиция қилишдан кафолатлар;
- фирма номи, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш кафолатлари;
- тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари.

Ушбу кафолатларнинг барчаси унинг бевосита конституциявий кафолатларининг таркибий қисмлари ва йўналишларидан иборатдир. Маълумки, бизда хусусий мулк бошқа мулк шакллари қатори дахлсиз ва давлат томонидан ҳимоя қилинади. Бу бевосита ҳар бир тадбиркорлик субъектлари мулкига ҳам дахлдордир.

Тадбиркорлик субъектларининг юқорида келтирилган ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Давлат

<sup>9</sup> Булар хақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда, № 9, 248-моддаларида тегишли маълумотлар берилган..

<sup>10</sup> “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон, 201-модда.

органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид қонунга ҳилоф ҳарорлари юзасидан, агар уларнинг мансабдор шахслари қонунга ҳилоф равишда ҳаракат қилсалар ёки қилиниши лозим бўлган ишни пайсалга солиб ҳаракат қилмасалар, уларнинг устидан ҳам судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Тадбиркорлик субъектлари тасдиқланган устави доирасида қонун ҳужжатларида ман этилмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва шу фаолият натижасида фойда олиб уни тасарруф этишга ҳақли. Шунини эътироф этиш керакки, яқка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари вазиятдан келиб чиқиб ўзгартирилиши мумкин. Шу туфайли унинг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мулкдордир. Булар мамлакатимизда аҳолининг ўрта синф қатлампидан иборат бўлади. Уларнинг улуши барча аҳолининг 60 %дан кўпроқни ташкил қилмоқда. Бундай тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқарадиган товарларнинг (базарадиган ишларнинг, кўрсатадиган хизматларнинг) ва уларни реализация қилишдан олинган даромадларнинг (фойданинг) мулкдори ҳисобланади. Шу тариқа хусусий мулк ҳажми давлатимизда кўпайиб, шу асосда фаолият кўрсатадиган субъектлар кўлами муттасил ошиб боради.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинликларининг кафолатларидан бири ўз маҳсулотларини (ишлари, хизматларини) тасарруф этиш кафолатидир. Улар ўзлари қандай маҳсулотлар ишлаб чиқаришини эркин танлаш ва ишлаб чиқарган маҳсулотларини (ишлари, кўрсатилган хизматларини) эркин сотиш ҳуқуқига эга. Сотилган маҳсулот ҳажмидан барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланади. Қолган қисмидан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин қолган даромади

фойдаси), агар ушбу ҳолат суд томонидан тақиқланган бўлмаса, улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти эркинликларининг кафолатларидан бири, таъкидланганидек, ўз даромадлари (фойдасини) тасарруф этиш кафолатидир. Улар томонидан олинган фойда фаолиятни тенгайтириш учун, жамғарма мақсадида, истемол каби мақсадлар учун фойдаланилади. Қайси йўналишга фойдаланиши тадбиркорлик субъектлари томонидан эркин танланади ва ўз ихтиёри билан тасарруф этади.

Қонунда кўзда тутилган кафолотлардан бири, пул маблағларини тасарруф этиш кафолатидир.

Банк ёки бошқа кредит ташкилоти тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банк ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларини сақлайди ва уларни сир тутеди. Тадбиркорлик субъектлари ҳисобвараққа талаблар қўйилганда маблағларнинг мавжуд бўлишини таъминлаши шарт. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқи кафолатланган ҳолда фойдаланиши мумкин. Хуллас, тадбиркорлик субъектларининг пул маблағлари қаерда жойлашган бўлмасин (тижорат банкларида, ўзларининг кассаларида, бошқа субъектларнинг ҳисобварқларида каби ҳолатларда) ўзининг маблағи сифатида тадбиркорлар томонидан эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Одатда банк ёки бошқа кредит ташкилоти ҳисобварақда турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун тадбиркорлик фаолияти субъектига фоизлар тўлайди, фоизларнинг суммаси унинг ҳисобварағига киритилиб борилади. Агар улар ўртасида тузилган шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлса бундан мустасно.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб бўйича, тадбиркорлик фаолияти субъектларига хизмат кўрсатаётган банклардаги ҳисобварақларида турган маблағлари нақд пул маблағлари тарзида ҳам олинishi мумкин. Яна бир жиҳат. Тадбиркорлик субъектлари ўз

ул маблағларини тасарруф этиш кафолатлари доирасида тўловнинг ҳамма шаклида ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

Ҳозирги пайтда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги ҳам кафолатланган. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги валюта ҳисобварақларини очиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни (экспорт ва импорт операцияларини) амалга ошириш учун асос бўлади. Бу бевосита яқка тартибдаги тадбиркорлар учун ҳам дахлдордир. Товарлар импорт қилувчи субъектлар ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга асос бўлади. Бу масалага мамлакатимизда кенг йўл очиб берилган.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуқлари ҳам кафолотланган. Уларнинг мулки бошқа мулклар сингари, юқорида таъкидланганидек, дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади.

Қонунда таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолияти субъектидан мулкни олиб қўйишга, унинг бошқа ашёвий ҳуқуқларини бекор қилишга, шунингдек уларни чеклашга ҳеч кимга ваколат берилмаган ва бундай ҳаракатларга йўл қўйилмайди. Аммо шундай субъект ўзининг мажбуриятларини давлат солиқ идоралари, банк ва бошқа субъектлар олдида бажармаган бўлса, уларнинг қарзи кўпайиб кетса суднинг қарори билан уларнинг фойдасига ундириб берилади. Зеро, мазкур қарздорликлар бошқа субъектларнинг мулки бўлиб ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, мулк ҳуқуқини бекор қиладиган қонун ҳужжати қабул қилинган тақдирда, ушбу ҳужжатни қабул қилиш натижасида мол-мулкнинг мулкдори бўлган тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан мол-мулкнинг қиймати давлат томонидан қопланади. Зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ низолар пайдо бўлса, булар суд томонидан ҳал қилинади. Мулк ҳуқуқи бекор қилинганда олиб қўйилаётган мол-мулкнинг қиймати ҳолис баҳоловчи ташкилот томонидан

белгиланади. Бунда унинг қиймати мулк ҳуқуқи бекор қилинган пайтдаги ҳолатга кўра баҳоланади.

Тадбиркорлик субъектларининг хом ашё, товарлар, хизматлар бозорларига эркин кириш кафолатлари ҳам мавжуд. Бундай субъектлар мулк шаклидан, хўжалик юритиш туридан, қандай идорага мансублигидан қатъи назар хом ашё, товарлар, хизматлар бозорларига эркин киришга ҳақли. Ҳеч қим ҳеч қачон унинг ушбу ҳаракатига монелик қилишга ҳаққи йўқ. Айрим субъектлар борки, улар давлат эҳтиёжи учун товарлар ишлаб чиқаради, иш бажаради ва хизмат кўрсатади. Давлат органлари давлат эҳтиёжлари учун товарларни ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш) ва ўтказиб беришга доир буюртмаларни тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида жойлаштириш чораларини кўради. Давлат харидлари бўйича танловлар ўтказишда бошқа тенг шароитларда кичик тадбиркорлик субъектларига афзаллик берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қимматли қоғозлар бозорига, хом ашё, айрим товарлар ва хизматлар бозорларига киришига доир бошқа алоҳида шартлар белгиланади. Тадбиркорлик субъектлар ҳам хом ашё, товарлар, хизматлар бозорларига эркин кириши учун тенг имкониятга эга.

Қонунда тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш ва улардан эркин фойдаланиш кафолатлари ҳам белгиланган. Кредит ресурсларидан қайси манбадан олинганлигидан қатъи назар эркин фойдаланиши кафолатланган. Агар бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларини ривожлантиришга, шу жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг, фермер ва деҳқон хўжаликларининг дастлабки (бошланғич) капиталини шакллантиришга ажратиладиган кредитлардан фойдаланган бўлса, улар учун давлат томонидан имтиёзли фоиз ставкалари белгиланиши мумкин. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлар тизимида устувор вазифа сифатида қаралиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, банклар кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаровга қўйган мол-мулки ёки бошқа ҳолатлари (кафолот хати кабилар) бўлиши лозим. Бундай шароитда кредит берувчи банклар ушбу ишларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ахборот олиш эркинлиги ҳам кафолотланган. Қонунда давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларига мазкур субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт қилиб белгиланган. Ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари ахборотдан фойдаланишда қонун ҳужжатларини ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларидан, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат органларининг расмий веб-сайтларидан олишлари мумкин. Шу туфайли ушбу ҳужжатлар мазкур тармоқларда ўз вақтида эълон қилиниши ва тарқатилиши таъминланган бўлиши лозим.

Макро даражадаги барча ахборотлар тўпланадиган Давлат статистика органлари ҳамма статистика ахборотларини юқоридаги ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб боради. Ушбу ахборотлардан барча ахборотга қизиқувчилар ва тадбиркорлик субъектлари ҳам эркин фойдаланиши мумкин.

Национализация, мусодара ва реквизиция қилишдан кафолотлар ҳам тадбиркорлик фаолияти субъектларига қатъий белгиланган. Чунки қонунда эътироф этишича, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди. Мамлакатда табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар ва фавқулотда тусдаги бошқа ҳолатлар содир бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда тадбиркорнинг ревизация қилинаётган мол-мулки қиймати давлат томонидан тўланади. Реквизиция тўғрисидаги қарор давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинади.

шундай қарорни қабул қилишнинг белгиланган тартиби ва шартлари алоҳида ўзда тугилган.

Агар тадбиркорлик субъектлари национализация, мусодара ва реквизиция қилиш тўғрисидаги қарордан қониқмаса, улар бўйича суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фирма номи, товар белгисидан (хизмат кўрсатиш белгисидан) фойдаланиш ҳуқуқлари ҳам кафолатланган. Юридик шахс мақомини олган тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтиш даврида фирма номини ва товар белгисини реестрга киритиш йўли билан белгилаб олади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бўлган мутлақ ҳуқуқ шу белги ва ном эгасига тегишли бўлади. Эгаларининг розилигисиз уларнинг бирортасига ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди. Бир хил бир-бирига ўхшаш товар белгиси ёки фирма номига йўл қўйилмайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларини аралаштирмаслик ҳуқуқига эга. Мазкур масала қонун ва мамлакат раҳбарининг бир қанча фармонлари ва қарорлари билан кафолатланган. Шу тўғрисида улар тадбиркорлик субъектлари қонуний фаолиятига аралашиб ёки уни чеклаши ман этилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулот ва хизматларининг баҳосини белгилашда, уларни сотишнинг йўналишларини белгилашда ҳам маҳаллий ҳокимият вакиллари аралашиб олиши мумкин эмас. Буларнинг ҳаммаси дозор талабидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларнинг ўзлари томонидан ҳал қилиниши лозим. Агар мазкур тадбиркорлик субъекти давлат эҳтиёжига мос товар ишлаб чиқараётган бўлса, бунга алоҳида тартиб бўйича ёндошилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиши ҳам кафолатланган. Мурожаатларда юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар тегишли маълумотларни тўлиқ бериши лозим. Бунда тадбиркорлик субъектининг тўлиқ фирма номи, жойлашган ери (почта

зили) ёки жисмоний шахс бўлган тадбиркорлик субъектининг фамилияси, и, отасининг исми, яшаш жойи (манзили) кўрсатилиши керак. Шунингдек занинг, таклифнинг ёки шикоятнинг моҳияти аниқ ва тўлиқ баён этилиши им. Ёзма мурожаатлар юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъекти ҳолатли шахсининг (асосан раҳбари) имзоси билан ёки жисмоний шахс лган тадбиркорлик субъектининг шахсий имзоси билан тасдиқланган ши керак. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим лган мурожаатлари (аризаси, таклифи ёки шикояти) тадбиркорлик бъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Тадбиркорлик бъектларининг ушбу назарда тугилган талабларга жавоб бермайдиган рожаатлари аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Қонунда кўзда тугилганидек, аризани ёки шикоятни кўриб чиқиш учун кириш ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиб олиш ёхуд бошқа ра-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, аризани ёки шикоятни кўриб киш муддатлари тегишли давлат органи ёки хўжалик бошқаруви органи хбари томонидан истисно тариқасида кўпи билан бир ойга узайтирилиши умкин бўлиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган тадбиркорлик фаолияти бъектига маълум қилинади.

Умуман олганда тадбиркорлик фаолияти субъектлари мамлакатимизда ркин фаолият юритишлигини таъминлаш учун ҳам тегишли чоралар ўрилган. Уларнинг фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқлари турли ҳолатлардан афолотланган ва ҳимояланган. Шу туфайли уларнинг босқичма-босқич ивожланиши ва фаолиятининг такомиллашуви таъминланмоқда.

## **2-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ**

### **2.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда инновацион лойиҳаларга қўйиладиган инвестицияларни баҳолаш йўллари**

Инновация лойиҳасини амалга ошириш, биринчи навбатда, унинг ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатиш соҳасига) йўналтирилганлиги ва узок муддат мобайнида амалга оширилиши билан, яъни ғоядан бошлаб унинг моддийликка айланиши билан изоҳланади. Ҳозирги пайтда жаҳон иқтисодиётида асосий омиллардан бири инновация бўлиб майдонга чиқмоқда. Инновациясиз мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини, жаҳон майдонида рақобатбардошлигини таъминлашимиз ўта мурқаб бўлиб қолади. Шу жиҳатдан инновацияларни, унга қўйилган инвестициялар самарадорлигини баҳолаш бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турибди.

Ҳозирги пайтда инновацион иқтисодиёт шаклланмоқда. **Инновацион иқтисодиёт дейилганда, иқтисодий ўсишнинг учдан бир қисмини (1/3) инновациялар жорий қилиш эвазига эришилган иқтисодиёт тушунилади.** Иқтисодий ўсишнинг учдан бир қисмини олишимизга сабаб иқтисодий ўсишга интенсив, экстенсив омиллар билан бирга инновацион омиллар ҳам катта таъсир қилади. Шартли равишда ҳар бир омилнинг таъсирини тенг деб оладиган бўлсак, мазкур омиллар гуруҳи улушига барча ўсишнинг учдан бир қисми тўғри келади.

Аммо шунини эътироф этиш керакки, инновация ва уни амалиётга жорий қилиш ҳам маълум миқдорда маблағларни ташкил қилади. Бу эса, шу маблағнинг қанча зарурлигини, маълум вақтдан кейин қанча бўлишини, неча фоизлик фойда олиш мумкинлиги каби саволларга бугун жавоб топишни тақозо қилади. Шу туфайли мазкур саволларга жавобларни топиш учун дисконтлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу усул

аксарият ҳолда лойиҳа таҳлилида инвестициянинг бугунги ва келгуси миқдорини ҳамда турли мажбуриятларни баҳолашда кенг қўлланилади.

Мазкур масалага аниқлик киритиш учун ушбу тушунчанинг таърифини қараб чиқиш лозим, деб ўҳисоблаймиз. Бу борада М.Қ.Пардаевнинг таърифини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Дисконтлаштириш** дейилганда, инвестиция ёки пул оқимларининг келгусидаги қийматининг бугунги жорий баҳода ифодаланиши тушунилади<sup>11</sup>, деб кўрсатилган.

Буни амалиётда кўриш учун битта мисол келтирамиз. Агар мулкдор ўз корхонасини яна 5 йилдан кейин реконструкция қилишни режалаштирган бўлса, унга ўша йилда ҳисоб-китоби бўйича 100,0 млн. сўм керак бўлади. Шу суммага яна 5 йилдан кейин эга бўлиши учун тижорат банкига бугун пулни қўйишни мақсад қилиб қўйди, дейлие. Демак мазкур мулкдор 5 йилдан кейин 100,0 млн. сўмга эга бўлиш учун бугун тижорат банкига қанча пул қўйиш кераклигини аниқлаш лозим бўлади. Бунинг учун қўйилган инвестициянинг жорий қийматини аниқлаш лозим. Бу кўрсаткични аниқлашда қуйидаги М.Қ.Пардаев тавсия қилган<sup>12</sup> формуладан фойдаланиш мумкин:

1

$$Ижк = Инбқ \times \frac{1}{(1+Z)^n};$$

Бунда *Ижқ* - инвестициянинг жорий қиймати;

*Инбқ* – беш йилдан кейин зарур бўладиган инвестициянинг қиймати;

*Z* - белгиланган фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдори (двидинт ставкаси);

*n* - давр (йиллар) сони

Ушбу формулага аниқ маълумотларни қўллаб беш йилдан кейин зарур бўладиган инвестициянинг қийматини 10 %лик ставка билан аниқлайдиган бўлсак қуйидаги натижага эришган бўламиз:

$$100,0 \times \frac{1}{(1 + 0,1)^5} = 100,0 \times \frac{1}{1,7716} = 100,0 \times 0,5645 = 56,4 \text{ минг сўм.}$$

<sup>11</sup> Пардаев М.Қ. лойиҳа таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамКИ, 2001- 31-бет. Ўқув қўлланма дейишимизга асос, мазкур иш 2002 йилда йилнинг энг яхши маъруза матни кўрик танловида учинчи даражали дипломга сазовар бўлган ва ўқув қўлланма сифатида тавсия қилинган.

<sup>12</sup> Ўша жойда – 31-бет.

Ушбу ҳисоб-китобдан кўриниб турибдики, мулкдор беш йилдан кейин 100,0 млн. сўмга эга бўлиш учун 10 %лик фойда ставкаси билан бугунги кунда 56,4 млн. сўмлик инвестиция қўйса бас экан.

Инновацион лойиҳаларга қўйиладиган инвестицияларни баҳолашда пул оқимларини дисконтлаштириш учун айнан, дисконтлаштириш коэффициентидан фойдаланилади. Чунки дисконтлаштириш коэффициенти аниқ бўлса, бугунги инвестициянинг қайси йилда қанча миқдорни ташкил қилиш мумкинлигини топиш мумкин. Шу туфайли ушбу коэффициентни аниқлаш йўллари қараб чиқамиз.

Ушбу масала ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг таърифини келтириш лозимдир. Бунинг учун ҳам М.Қ.Пардаевнинг тавсиясидан фойдаланамиз. **Дисконтлаштириш коэффициенти** дейилганда, инвестиция ёки пул оқимлари бир сўмлик қийматининг маълум муддатдан кейин фоиз ставкасини инобатга олган ҳолдаги миқдори тушунилади<sup>13</sup>.

Дисконтлаштириш коэффициентининг икки тури мавжуд. Биринчиси, инвестиция ёки пул оқимларининг жорий қийматини аниқлаш учун қўлланилса, иккинчиси уларнинг келгуси қийматини аниқлашда қўлланилади.

**Дисконтлаштириш коэффициентнинг жорий қийматини (Кджк)** ифодаловчи миқдори 1 билан 0 ўртасида бўлади. Мазкур коэффициентнинг жорий қийматини аниқлаш учун ўзидан олдинги коэффициент миқдорини фоиз ставкасининг коэффициентдаги ифодасига бўлиш кифоя. Уни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$Кджк = S : (1 + Z)^n$$

*Бунда S - лойиҳанинг 1 сўмлик ўтган даврдаги жорий қиймати;*

*Z - белгиланган фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдори (двидинт ставкаси);*

*n - йиллар (ойлар) сони.*

<sup>13</sup> Пардаев М.Қ. лойиҳа таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, СамКИ, 2001- 31-бет.

Ушбу формулага асосан мазкур лойиҳанинг 1 сўмлик жорий қийматини 15 % лик дивиденд ставкаси билан 10 йилга аниқлаб олиш талаб қилинса қуйидагича жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.1-жадвал):

**2.1 - ж а д в а л**

**Инвестиция лойиҳасининг (пул оқимларининг) 1 сўмлик жорий қийматини (дисконтлаштириш коэффиценти миқдорини) аниқлаш ҳисоб-китоби**

| Йил-лар | Ҳисоблаш усуллар<br>( $Z = 15\%$ ) | Инвестициянинг 1 сўмлик жорий қиймати<br>(дисконтлаштириш коэффиценти) |
|---------|------------------------------------|--|
| 0       | 1 сўм                              | 1,15   |
| 1       | 1 : 1,15                           | 0,870  |
| 2       | 0,870 : 1,15                       | 0,756  |
| 3       | 0,756 : 1,15                       | 0,657  |
| 4       | 0,657 : 1,15                       | 0,572  |
| 5       | 0,572 : 1,15                       | 0,497  |
| 6       | 0,497 : 1,15                       | 0,433  |
| 7       | 0,433 : 1,15                       | 0,377  |
| 8       | 0,377 : 1,15                       | 0,328  |
| 9       | 0,328 : 1,15                       | 0,285  |
| 10      | 0,285 : 1,15                       | 0,249  |

Мазкур жадвалдан кўришиб турибдики, 1 сўмлик инвестиция биринчи йилда 1 сўмга тенг. 1 йилдан кейин 0,870 коэффицентга ёки 85 тийинга тенг бўлади. Беш йилдан кейин 49,7 тийинга ва 10 йилдан кейин 24,9 тийинга тенг бўлишини кўрамыз.

Ушбу йўл билан инвестициялар умумий миқдорининг жорий қийматини аниқлаш мумкин. Масалан мулкдор 2012 йилда инвестицияга 500,0 млн. сўм қўйди дейлик. Унинг қиймати беш йилдан кейин шу 15 %лик дивиденд билан 248,5 млн. сўмни ( $500,0 * 0,497$ ) ташкил қилади. Ўн йилдан кейин эса 124,5 млн. сўмга ( $500,0 * 0,249$ ) тенг бўлади. Бундан иккинчи хулосани ҳам чиқариш мумкин. Инвестор 5 йилдан кейин 500,0 млн. сўмга эга бўлиш учун 15 %лик дивиденд билан бугун 248,5 млн сўм қўйса етарли. Агар 10 йилдан кейин шу суммага эга бўлишни хоҳласи бугун 248,5 млн сўмни инвестицияга ёки жамғармага қўйиш мумкин.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Инвестор қўйган 500,0 млн сўмлик инвестицияси 9 йил мобайнида фойдасини олиб келгандан сўнг, унинг жорий қиймати ўнинчи йилда 124,5 млн. сўмга тенг бўлади. Бу дегани, унинг қўйган 500 млн сўми камайиб қолган эмас. У оборотда ёки қўчмас мулкда турибди, лекин қиймати пасайган ҳолда иштирок этмоқда.

**Дисконтлаштириш коэффициентининг келгуси қийматини (Кдкк)** аниқлаш учун ўзидан олдинги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорини жорий йилдаги фоиз ставкасининг коэффициентдаги миқдорига қўпайтирилади. Бу учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$\text{Кдкк} = P * (1 + Z)^n$$

Бунда  $P$  - лойиҳанинг бир сўмлик ўтган даврдаги келгуси қиймати.

Ушбу формула асосида 10 йилга мўлжалланган инвестиция ёки пул оқимларининг 15 %лик ставка билан келгуси қийматини аниқлаш мумкин. Унинг миқдори бугунги 1 сўмлик инвестиция 5 йилдан кейин ёки 7 йилдан ёки 10 йилдан кейин қанча бўлишини кўрсатади. Буни ҳисоблаш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.2-жадвал).

## 2.2 - ж а д в а л

### Инвестиция лойиҳасининг (пул оқимларининг) 1 сўмлик келгуси қийматини аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>14</sup>

| Йил-лар | Ҳисоблаш усуллар<br>( $P = 15\%$ ) | Инвестициянинг 1<br>сўмлик келгуси қиймати |
|---------|------------------------------------|--|
| 0       | 1 сўм                              | 1,0000                                     |
| 1       | 1,0000 x 1,15                      | 1,1500                                     |
| 2       | 1,1500 x 1,15                      | 1,3225                                     |
| 3       | 1,3225 x 1,15                      | 1,5209                                     |
| 4       | 1,5209 x 1,15                      | 1,7490                                     |
| 5       | 1,7490 x 1,15                      | 2,0114                                     |
| 6       | 2,0114 x 1,15                      | 2,3131                                     |
| 7       | 2,3131 x 1,15                      | 2,6600                                     |
| 8       | 2,6600 x 1,15                      | 3,0590                                     |
| 9       | 3,0590 x 1,15                      | 3,5179                                     |
| 10      | 3,5179 x 1,15                      | 4,0455                                     |

<sup>14</sup> Мазкур жадвал маълумотлари методологик асос сифатида қабул қилиниши мақсадида муаллиф томонидан тузилди.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, инвестор оладиган дивидендини олмасдан кўшиб борверадиган бўлса, унинг 1 сўмлик инвестицияси 5 йилдан кейин 2,01 тийинга тўғри келади, 10 йилдан кейин эса 4,05 сўмни ташкил қилади. Фараз қиламиз инвестор 500,0 млн. сўмлик инвестиция қўйди. Унинг 5 йилдан кейинги қиймати 1005,7 млн. сўмни  $(500,0 * 2,0114)$  ташкил қилади. 10 йилдан кейин эса 2022,8 млн. сўмга  $(500,0 * 4,0455)$  тенг бўлади.

Инновацияларга инвестиция қўйишда, пул оқимларини дисконтлаштиришда асосий сумма билан турли фоиз ставкаларидан фойдаланилади. Бу фойизлар оддий ва мураккаб фоизларлардан иборат бўлади.

Ушбу масалани тўлиқ тушуниш учун фоиз нималигини, оддий фоизларла нималардан иборатлигини ва мураккаб фоизлар дейилганда қандай фоизлар тушунишлигини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун биринчи галда уларнинг таърифларини келтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. **Фоиз** деганда инвестиция ёки пулдан фойдаланганликнинг маълум даврга тўланиши мўлжалланган қиймати тушунилади.

Масалан, инвестиция ёки қўйилган пул маблағи учун белгиланган фоиз ставкаларини олиш мумкин. Жумладан, инвестициянинг бир йиллик дивиденд ставкаси 10 % деб белгиланган. Демак, мулкдор 200,0 млн. сўмлик инвестиция қўйса шу учун бир йилдан кейин 20,0 млн. сўм  $(200,0 * 10 : 100)$  дивиденд олади, яъни мазкур инвестициянинг бир йиллик ишлатиш қиймати 20,0 млн. сўмга тенг экан деган хулосага келиш мумкин.

Агар мулкдор (пулдор) бировга маълум муддатга келишилган фойда ставкаси билан қарз берса шу фоиз ставкаси мазкур пулдорнинг мулкини ишлатишдан оладиган даромади ёки шу мулкининг ишлатиш қиймати бўлиб ҳисобланади. Масалан, пулдор ўз пулини ўзи ишлатиш имконига эга эмас. У бошқа жисмоний ёки юридик шахсга маълум вақтга ишлатиш учун маълум фоиз тўлашига келишилган ҳолда қарз бериши мумкин. Фараз қиламиз,

пулдор 300,0 млн. сўм пулини ҳар ойига 5 % дивиденд ставкаси тўлаш шарти билан тижоратчига берди. Тижоратчи ўз навбатида ҳар ойи шу 300,0 минг сўм пулни ишлатганлиги учун пулдорга 15,0 млн. сўм ( $300,0 \times 5 : 100$ )дан дивиденд тўлаб беради. Мулкдор бир йилда 160,0 млн. сўм ( $15,0 \times 12$ ) фойдага эга бўлади. Аммо берган 300,0 млн. сўм дастлабки қарзи кўпаймайди ҳам, камаймайди ҳам.

Демак, дивиденд фоизи дастлабки қўйилган пулнинг (инвестициянинг) қиймати эмас, балки уни маълум бир даврда ишлатиш учун тўланадиган қийматидир.

Инвестиция ёки пул оқимларини таҳлил қилишда «Асосий сумма» деган тушунча ҳам ишлатилади. **Асосий сумма** деганда фоиз (дивиденд) ҳисобланиши лозим бўлган инвестиция қилинган, қарзга олинган ёки фойдаланиш учун берилган (олинган) маблағларнинг дастлабки суммаси тушунилади.

Ўтган мисолларимизда мулкдор ҳар йилига 20 % ставка миқдорида дивиденд олиш мақсадида 200,0 млн. сўмни инвестицияга қўйди. Бу сўмма маълум муддатдан кейин дивиденд фоизлари қўшилиши эвазига кўпайиши мумкин. Аммо унинг миқдори қанча бўлишидан қатий назар асосий сўмма 200,0 млн. сўмликча қолади. Иккинчи мисолимизда дастлабки берилган қарз 300,0 млн. сўмни ташкил қилади. Бунда ҳам асосий сўмма шу 300,0 млн. сўмга тенг.

**Оддий фоизлар** деганда давр ўтиши билан ўзгармайдиган доимий асосий сўммага кўпайтириладиган фоиз ставкаси тушинилади.

Бунга пулдорнинг ҳар ойига 5 % дивиденд ставкаси билан 300,0 млн. сўмлик берган қарзини мисол келтириш мумкин. Фараз қиламиз, мазкур пулдор ушбу пулини бир йил муддатга ҳар ойи 5 % лик дивиденд ставкаси билан қарз берди. У ҳар ойи асосий сўммадан 5 % ставкага тенг фойда олади. Унда асосий сўмма кўпаймасдан қолади. Шу 5 % оддий фоизларни ташкил қилади. Буни қуйидаги мисолда аниқ кўриш мумкин (2.3-жадвал).

## 2.3 - жадвал

## Асосий сўмма ва оддий фоизларнинг ишлатилиш ҳисоби

| Ойлар   | Асосий сўмма<br><i>млн. сўм</i> | Оддий<br>фоизлар | Двиденд<br>сўммаси |
|---------|---------------------------------|------------------|--------------------|
| 1       | 300,0                           | 5                | 15,0               |
| 2       | 300,0                           | 5                | 15,0               |
| 3       | 300,0                           | 5                | 15,0               |
| ва ҳ.к. | ...                             | ...              | ...                |
| 12      | 300,0                           | 5                | 15,0               |

*(млн. сўм)*

Мураккаб фоизлар деганда давр ўтиши билан ўзгарувчи асосий сўммага кўпайтириладиган фоиз ставкаси тушунилади.

Асосий сўмма двиденднинг кўшилиши, қайта инвестиция қилиниши каби омиллар эвазига ўзгариши мумкин. Бу ҳолда асосий сўмма давр ўтиши билан ўзгариб туради. Фоиз ставкаси ўзгармасда двиденд сўммасининг миқдори асосий сўммага мос равишда ўзгариб, яъни кўпайиб боради. Бу жараёнда қўлланиладиган фоизлар мураккаб фоизлар деб айтилади.

Ушбу масалага ойдинлик киритиш учун олдинги оддий фоизлардаги мисолимизга мурожаат қиламиз. Пулдор 300,0 млн. сўмлик пул маблағини шу бир йил мобойнида ҳар ойига 5 % ставка билан қарзга берди ва йилнинг охирида ҳамма асосий сўмма ва двидендларни кўшиб олишига келишилди. Асосий сўмма ойма-ой двиденд ҳисобига кўпайиб боради. У ҳолда қуйидаги жадвал тузилади (2.4-жадвал).

*(млн. сўм)* 2.4 - жадвал

## Асосий сўмма ва мураккаб фоизларнинг ишлатилиш ҳисоби

| Ойлар | Асосий<br>сўмма | Мураккаб<br>фоизлар (5 %) | Фоиз<br>сўммаси | Ўзгарувчи<br>асосий<br>сўмма |
|-------|-----------------|---------------------------|-----------------|------------------------------|
| 1     | 300,0           | 0,05                      | 15,0            | 315,0                        |
| 2     | 315,0           | 0,05                      | 15,8            | 330,8                        |
| 3     | 330,8           | 0,05                      | 16,5            | 347,3                        |
| 4     | 347,3           | 0,05                      | 17,4            | 364,7                        |
| 5     | 364,7           | 0,05                      | 18,2            | 382,9                        |
| 6     | 382,9           | 0,05                      | 19,1            | 402,0                        |
| 7     | 402,0           | 0,05                      | 20,1            | 422,1                        |
| 8     | 422,1           | 0,05                      | 21,1            | 443,2                        |
| 9     | 443,2           | 0,05                      | 22,2            | 465,4                        |

|    |       |      |      |       |
|----|-------|------|------|-------|
| 10 | 465,4 | 0,05 | 23,2 | 488,6 |
| 11 | 488,6 | 0,05 | 24,5 | 513,1 |
| 12 | 513,1 | 0,05 | 25,7 | 538,8 |

Дисконтлаштириш орқали пул оқимларининг жорий қиймати аниқланади. Мураккаб фоизларни қўллаб унинг келгуси қийматини ҳам аниқлаш мумкин. Аммо инвестиция ва пул оқимларининг келгуси қийматини аниқлаш учун келгуси қиймат коэффицентларини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

## **2.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш мақсадлари ва йўналишлари**

Инновация лойиҳасини амалга ошириш мақсадлари турли хил бўлиши мумкин. Лекин уларнинг барчасини Т.Мамасоатов тўртта гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ<sup>15</sup>, деб баҳолайди. Буларга:

- бозорда маҳсулотни сақлаб қолиш;
- ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш;
- янги маҳсулот чиқариш:

- ижтимоий ва иқтисодий вазифаларни ечиш. Биз ҳам Т.Мамасоатовнинг ушбу қарашларини маъқуллаймиз. Чунки бу бозор тамойилларига тўлиқ жавоб беради. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кичик бизнес тизимида инновация лойиҳасини амалга оширишнинг бош мақсади фойда (даромад) олишга, ёки ҳеч бўлмаганда капитал қийматини сақлаб қолишга қаратилишини ҳам инобатга олиш лозим, беб ҳисоблаймиз.

Иқтисодиётда инновация лойиҳалари турли тармоқларда амалга оширилади. Ресурсларнинг тақчиллиги шароитида устивор йўналишга эга

<sup>15</sup> Мамасоатов Т. Кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини техник-иқтисодий баҳолаш. //«Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари (1-қисм) (2013 йил 20 феврал). – Самарқанд, 2013. – 111-117 бетлар.

бўлган лойиҳалар қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида, ижтимоий соҳаларда (фан, соғлигини сақлаш, маданият, маориф ва ҳоказо) амалга оширилиши лозим. Кичик бизнесда инновация лойиҳаларининг ишлаб чиқарилиши турли тармоқларда олиб борилиши мумкин. Буларга аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва агросаноат, машинасозлик, қурилиш саноати, алоқа ва информатика, химия саноати, ўрмон комплекси, экология тармоғи киради.

Инновация лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа циклининг босқичлари муҳим аҳамиятга эга. “Лойиҳа цикли” тушунчасига лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг турли босқичлари киради. Лойиҳа циклининг бошланғич ва тугалланиш даврлари, ғоядан то унинг моддий қийматга эга бўлгунга қадар даврларни ўз ичига олади. Ушбу назарий қарашдан келиб чиқиб, унинг таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Лойиҳа цикли дейилганда, инновацион ғоянинг пайдо бўлишидан тортиб, то унинг моддий қийматга эга бўлгунга қадар даврларни ўз ичига оладиган лойиҳа циклининг босқичлари тушунилади.**

Юқорида таъкидланган таърифга назар солсак, инновацион лойиҳани амалга ошириш босқичларига аниқлик киритиш лозим. Бу босқич бизнинг фикримизча, тўртта босқичдан иборатдир (2.5-жадвал).

### 2.5-жадвал

#### Инновация лойиҳани амалга ошириш босқичлари<sup>16</sup>

|          |  |
|----------|--|
| 1-босқич | Инновацион лойиҳанинг нимага йўналтирилганлиги ва уни қўллаш қаерда мумкинлигига аниқлик киритилади.   |
| 2-босқич | Лойиҳани молиявий-иқтисодий баҳолаш амалга оширилади ҳамда лойиҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади.  |
| 3-босқич | Капитал қўйилмалар амалга оширилади, яъни лойиҳа бўйича қурилиш олиб борилади, ускуна сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) тайёрлаш ишлари ўтказилади. |
| 4-босқич | Лойиҳа қуввати ишга туширилади ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш бошланади  |

<sup>16</sup> Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Инновация лойиҳасининг биринчи босқичида таклиф қилинган инновацион лойиҳанинг нимага йўналтирилганлиги ва уни қўллаш қаерда мумкинлигига аниқлик киритилади. Чунки лойиҳа хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга қаратилган бўлиши мумкин. Демак уни шу соҳага йўналтириш керак бўлади. Аммо хизматнинг ҳам бир қанча турлари бор. Айнан ушбу соҳанинг қайси тармоғига қўллаш масаласи қараб чиқилади. Хуллас, унинг нимага йўналтирилганлигига аниқлик киритилгач навбатдаги босқичга ўтилади.

Инновация лойиҳасининг иккинчи босқичида лойиҳани молиявий-иқтисодий баҳолаш амалга оширилади ҳамда лойиҳани амалга оширувчи корхонанинг молиявий ҳолати баҳоланади дейилди. Бунда лойиҳага қанча маблағ талаб қилиниши, унинг манбалари ва самарадорлик даражаларига баҳо берилади. Агар лойиҳани амалга ошириш учун ўзининг маблағи етарли бўлса, унда қандай йўл тутилиши, агар етмайдиган бўлса, қайси банкдан ва қанча кредит олишлиги масалалари қараб чиқилади.

Лойиҳанинг учинчи босқичда капитал қўйилмалар амалга оширилади, яъни лойиҳа бўйича қурилиш олиб борилади, ускуна сотиб олинади ва ишлаб чиқаришга (хизмат кўрсатишга) тайёрлаш ишлари ўтказилади. Бунда лойиҳада кўзда тутилганидек, барча ишлар амалга оширилади. Муҳими, лойиҳанинг миқдори ва муддати белгиланган даражада бўлишликка эришиш лозим бўлади. Бу билан мазкур лойиҳани ишга туширишдаги дастлабки мувоффақиятга қадам қўйилади. Лойиҳани амалга ошириш муддати қанча кечиктирилса шунча самарадорлик йўқолади. Шу туфайли ўз вақтида ишга тушириш ва тўлиқ қувватда ишлашини таъминлаш жамиятимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

Тўртинчи босқичда лойиҳа қуввати ишга туширилади ва маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш бошланади дейилган. Ҳақиқатда ушбу масалани амалга оширишда турли синовлар ва тажрибаларга таянган ҳолда юқори самарадорликка эришишга ҳаракат қилинади. Лойиҳада кўрсатилган натижани қўлга киритиш масаланинг оптимал ечими бўлиб ҳисобланади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий босқичи бўлиб, инновация олди фазаси ҳисобланади. Бу инновация лойиҳаси бўйича дастлабки изланишлардан то уни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилингунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Инновация олди фазасида бажариладиган ишлар бўйича бир қанча фикрлар айтилган. Булардан бири Т.Мамасоатов бўлиб, у кишининг фикрича қуйидаги фазаларни келтириш мумкин. Бу ушбу жадвалда келтирилган (2.6-жадвал).

### 2.6-жадвал

#### Кичик бизнесда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг дастлабки фазаси<sup>17</sup>

| Инновация олди фазаси   |  |  |
|---|--|--|
| Лойиҳани амалга ошириш имкониятларнинг таҳлили  | Лойиҳани асослашнинг тайёргарлик босқичи                               | Лойиҳани баҳолаш ва инвестиция қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш |
| Инвестициялаш учун керак бўладиган маблағлар ҳажми ва салоҳияти (потенциали)            | Лойиҳани мавжуд муқобиллар билан солиштирган ҳолдаги дастлабки асослаш | Яқуний қарор сифатида лойиҳани ижтимоий-иқтисодий баҳолаш        |
| Лойиҳани амалга ошириш  | Қўшимча далилларни ўрганиш   | Инновациялаш ҳажмини аниқлаш                                     |
| Лойиҳанинг ички ва ташқи шарт-шароитларини баҳолаш.                                     | Функционал изланишлар олиб бориш                                       | Молиялаштириш манбаларини аниқлаш                                |
| Лойиҳани амалга ошириш имкониятларини макро ва микро иқтисодиёт даражасида таҳлил қилиш | Лойиҳани асослаш учун барча маълумотлар базасини шакллантириш          | Инновацияни амалга ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш               |
| Лойиҳани амалга оширишга келишиш ва молиялаштириш                                       | Тасдиқлаш  | Ҳужжатларни рисмийлаштириш                                       |

<sup>17</sup>Ушбу жадвал Т.Мамасоатовнинг қуйидаги ишидан олинди. Қаранг: Мамасоатов Т. Кичик бизнес корхоналарининг инновацион фаолиятини техник-иқтисодий баҳолаш. «Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция материаллари (1-қисм) (2013 йил 20 феврал). – Самарқанд, 2013. – 112 бет.

Кичик бизнес инновация лойиҳасининг инновация олди фазасида бўлуси лойиҳалаштириш объектининг имкониятлари ўрганилади.

Иқтисодийда амалга оширилаётган ҳар қандай кичик бизнес инновация лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилиши, кўп жиҳатдан, унинг инновация олди босқичига, яъни уларнинг техник-иқтисодий асосланишининг пухта ва пишиқ ишлаб чиқирилишига боғлиқ бўлади. Техник-иқтисодий асослаш – бу лойиҳани амалга оширишга таъсир қилувчи бир қатор омилларни таҳлил қилиш асосида лойиҳанинг мақсадига эришишнинг самарали йўллари аниқловчи ҳужжатлар тўпламидир. Техник-иқтисодий асослаш ўз маъносига кўра, лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини техник-иқтисодий жиҳатдан татбиқ қилиш билан айнан бир хилдир. Техник-иқтисодий асослаш инновация лойиҳасини амалга оширишнинг имкониятларини асослайди ва бирмунча оптимал бўлган қарорни танлашга имкон беради.

Техник-иқтисодий асослаш (ТИА) кичик бизнес субъектлари инновация лойиҳасининг барча жиҳатларини очиқ беришини ҳисобга оладиган бўлсак, унда уни ишлаб чиқишдан олдин, лойиҳа ташббускори ва лойиҳани ишлаб чиқувчи шу бўйича барча маълумотларни тўплаши зарур. Маълумотлар манбаи бўлиб қарз олувчининг фаолиятига бевосита таъсир қилувчи ҳужжатлар, шунингдек турли иқтисодий адабиётлар, қонунлар, қарорнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳамда шахсан ўзининг тажрибаси қўшимча хизмат қилади.

Техник иқтисодий асослашни тузишда шуни таъкидлаш жоизки, унинг иқтисодий вазифаси амалга ошириш кўзланган лойиҳа бўйича зарур бўлган барча маълумотларни бериш ва кредиторлар ҳамда инвесторлар томонидан қабул қарор қабул қилишдан иборатдир.

Ҳозирда банклар томонидан инновация лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашларини таҳлил қилишда пул оқимлари ҳаракатига катта таъсир берилади.

ТИА сифати қанчалик юқори бўлса, лойиҳани баҳолаш иши шунчалик енгил кечади. Лойиҳа ғояси туғилган вақтдан бошлаб сўнгги давргача кўп вақт ва маблағлар сарфи кузатилади. Сўнгги баҳолаш хулосалари эса ушбу ишлаб чиқаришдан олдинги қилинган ҳаражатлар ўзини қанчалик оқлаши мумкинлигини кўрсатади ва шу жиҳатдан юқори аҳамиятли ҳисобланади.

Маблағларни кичик бизнес инновация лойиҳаларига инвестициялашдан олдин бажариладиган муҳим ишлардан бири – бу лойиҳа бўйича инвестиция имкониятларини аниқлашдир. Салоҳиятли инвесторлар, улар қандай бўлишидан қатъий назар, ривожланган ёки ривожланаётган давлатларда юзага келаётган инвестиция имкониятлари тўғрисида маълумот олишга қизиқишади. Бундай лойиҳалар бўйича маълумотларни ўрганиш ва таҳлил этиш икки хил йўналишда амалга оширилади:

1. Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича ёндашиш (макро).

2. Корхона даражаси бўйича ёндашиш (микро).

Иқтисодиёт сектори даражаси бўйича изланишларни олиб бориш ўша давлатнинг бутун инвестиция салоҳиятини (потенциалини) ҳамда бу давлатга бошқа давлатлар томонидан инвестиция қилиниши мумкин бўлган маблағлар ҳажмини ўрганиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади .

Корхона миқёсидаги таҳлил аниқ инновация лойиҳаси бўйича қўйилаётган талаблардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Лойиҳа бўйича имкониятларни ўрганиш ва таҳлил қилишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор берилади:

- умумий иқтисодий муҳит, шарт-шароитлар;
- қайта ишланиш мумкин бўлган табиий бойликлар ва хом ашё ресурслари;
- ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган товарга (хизматга) келгусидаги талаб (аҳолининг ўсиши ҳисобига ва бошқа омиллар);
- лойиҳанинг атроф-муҳитга таъсири;

- бошқа тармоқлар билан келгусидаги ўзаро алоқаси ва имкониятлари, диверификациялаш имконияти;

- ишлаб чиқариш ресурсларининг мавжудлиги ва уларнинг қиймати;

- экспорт имкониятлари, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Инвестиция имкониятлари бўйича изланишлар юқорида келтирилган омиллар бўйича ҳар бирининг алоҳида таҳлилига эмас, балки умумий баҳолашга асосланади.

Инновация лойиҳаси ғоясини ривожлантириш учун аниқ таклифлар киритишда талаб этиладиган маълумотларни миқдорий баҳолаш учун инвестиция имкониятларини тадқиқ этиш асосий мақсадлардан бири ҳисобланади. Бунда қуйидаги жиҳатлар таҳлил этилади:

- қайта ишловчи саноат учун керакли бўлган табиий ресурслар;

- қишлоқ хўжалигига асосланган саноат тармоғи учун асос бўлган амалдаги қишлоқ хўжалиги таркиби;

- муайян истеъмол талабларига келгуси талаб, аҳоли ўсиши ҳисобига ортиб борувчи талаб;

- атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш;

- қайта ишловчи саноат сектори;

- маҳаллий ёки трансмиллий ва бошқа тармоқлар билан бўлган алоқалар;

- умумий инвестиция муҳити;

- ишлаб чиқариш сиёсати, экспорт салоҳияти;

- ишлаб чиқариш омилларининг мавжудлиги ва қиймати.

Умумий имкониятларни тадқиқ этишни қуйидаги 3 та категорияга ажратиш мумкин:

1. Худуддаги имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.

2. Саноат соҳасидаги, масалан, қурилиш материаллари ёки озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.

3. Табиий ресурслар, қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотларидан бойдаланишга (нефть, химия, металлургия, ёғочни қайта ишлаш) асосланган имкониятларни аниқлаш учун белгиланган изланишлар.

Лойиҳа имкониятларини тадқиқ этиш натижасида олинган маълумотларни тайёрлашга бирон-бир миқдордаги катта харажатлар жалб этилиши керак эмас, чунки у саноат объектини инвестициялаш бўйича этилиши мумкин бўлган таклифларнинг фундаментал жиҳатларини аниқлашга асосланган бўлади. Бундай тадқиқотларнинг мақсади – корхона имкониятларининг бирмунча муҳим ҳолатларини кам харажатлар асосида тез ҳолаш ҳисобланади. Лойиҳанинг имкониятларини тадқиқ этиш иқтисодиётга таъсир этувчи миллий ёки халқаро ташкилотлар томонидан ёки улмас молиявий институтлар томонидан қабул қилинса, тадбиркорнинг эзиқиш белгилари пайдо бўлганда иш манфаатдорлигини ошириш учун дастлабки техник иқтисодий асослаш (ДТИА) амалга оширилиши лозим. ДТИАнинг асосий мақсади куйидаги ҳолатлар бажарилиши мумкинлигини аниқлашга асосланади:

- инновация лойиҳасининг барча мумкин бўлган муқобиллари кўриб чиқилган;
- инновация лойиҳаси концепцияси ТИА ёрдамида пухта таҳлил қилиниши қўллаиди;
- лойиҳанинг барча жиҳатлари унинг амалга ошишлиги, функционал тадқиқотлар йўли билан чуқур ўрганишнинг зарурлигини тан олиш ёки таҳлили таҳлил этиш, лаборатория ёки ишлаб чиқариш-тажриба синовлари тадқиқотларни таъминлаш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади;
- инновация лойиҳа ғояси лойиҳанинг мавжуд маълумотлари асосида ҳаётийлигини алоҳида инвестор ёки инвесторлар гуруҳи учун таҳлил қилиниши мумкинлигини аниқлаши керак бўлади;

- режалаштирилаётган қурилиш майдонидаги экологик муҳит ва кўзда тутилаётган ишлаб чиқариш жараёнига кучли таъсир кўрсатиш миллий андозаларга мос келади.

ДТИАни лойиҳа имкониятларини тадқиқ этиш ва пухта ТИА ўртасидаги оралиқ босқич сифатида кўриб чиқиш лозим. Уларнинг фарқи эса олинадиган малумотни деталлаштириш даражаси ва лойиҳа вариантларини чуқур кўриб чиқишга асосланади. ДТИАнинг тузилиши мураккаб тарздаги ТИАнинг тузилиши каби бўлиши лозим.

Мумкин бўлган муқобилларни пухта таҳлил этиш ДТИА босқичида алоҳида ўрин эгаллаши лозим. Хусусан, таҳлил тадқиқотнинг қуйидаги соҳаларида аниқланувчи турли хил муқобилларни қамраб олиши лозим:

- инновация лойиҳаси стратегияси, ёки лойиҳанинг корпоратив стратегияси ва андозаси;
- хомашё, асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш материаллари;
- лойиҳанинг жойлашиш ўрни, майдони ва атроф-муҳит;
- ташкил этиш ва ўзгармас (устама) харажатлар;
- меҳнат ресурслари, хусусан, бошқарув ходимлари, ишчилар учун иш хақи сарфлари, шунингдек профессионал ўқитишга доир харажатлар;
- лойиҳани амалга ошириш рўйхати ва бюджетини тузиб чиқиш ва ҳ.к.

Асосий киритиладиган ресурслар лойиҳа ҳаётийлигини аниқлашда ҳал қилувчи омилга айлангандагина тадқиқот таъминоти ДТИА ва ТИА босқичларигача олиб борилади. Агар муайян аниқ маҳсулот ишлаб чиқарилишини аниқлаш учун зарур бўлган пухта ўрганишлар ҳам ТИАга хос бўлса, тадқиқот таъминоти алоҳида, бироқ ДТИА ва ТИА бажарилиши билан бир пайтда олиб борилади. ТИА тўғрисида қарор қабул қилиш учун керакли барча маълумотни бериши лозим, ўз навбатида, иқтисодий ва экологик жиҳатлари аниқланган ва ДТИА босқичида кўриб чиқиб бўлинган муқобил вариантли ечимлар асосида тўлиқ баҳоланган бўлиши лозим. Изланишларнинг молиявий қисми соф айланма капитал, ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари, сотишдан тушган тушум ва маркетинг харажатлари,

сотишдан тушган тушум ва инвестиция қилинган капиталдан олинган фойдани ўз ичига олган ҳолда инвестициялар ҳажмини аниқлашдан иборат.

Инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳаражатларини якуний баҳолаш, шунингдек, молиявий ва иқтисодий фойдалилигини алоҳида ҳисоблаш лойиҳа ўлчами бўйича барча муҳим жиҳатларни ва улар билан боғлиқ ҳаражатлар ҳисобга олинган ҳолда тўғри аниқлангандагина мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Якуний баҳолаш фақатгина аниқ инновацион лойиҳа билан чекланиб қолмасдан, шунингдек у билан боғлиқ саноат соҳаси ва тегишлича иқтисодиёт билан ҳам қизиққан ҳолда бажарилади. Дейлик, агар автомобиль курилиши корхонаси баҳоланаётган бўлса, у ҳолда хомашё ва ускуна етказиб берувчи соҳа, транспорт соҳаси, мавжуд автомобиль ва темир йўллари, энергия таъминоти имконияти билан боғлиқ масалалар ҳам ҳисобга олинади. Якуний ҳулоса тузишда кенг қамровли лойиҳалар учун тўпланган маълумотлар ва лойиҳанинг барча омиллари таҳлилни қайта жиддий текшириб чиқиш қатъий талаб этилади (2.7-жадвал).

#### 2.7-жадвал.

#### Инновацион лойиҳани модуллаштириш жараёнида уни техник-иқтисодий баҳолашда амалга ошириладиган тадбирлар<sup>18</sup>

| Т/р | Инновацион лойиҳанинг татбиқ этиш мезонлари кетма-кетлиги (иерархияси)   |
|-----|--|
| 1.  | Лойиҳанинг илмий-техник таъминланишининг асосланиши  |
| 2.  | Лойиҳанинг тижорат нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқлигининг асосланиши  |
| 3.  | Лойиҳанинг зарурий илмий-техник даражага мослигининг асосланиши  |
| 4.  | Ижрочилар томонидан лойиҳанинг мақсадга мос тушишининг асосланиши  |
| 5.  | Ишлар давомийлиги ва уни амалга ошириш муддатининг асосланиши  |
| 6.  | Ишларнинг қиймати, таркиби ва лойиҳани молиялаштиришнинг чегараланганлигини инобатга олиб реал имкониятнинг асосланиши |
| 7.  | Меҳнат ресурслари билан таъминланганлигининг асосланиши  |
| 8.  | Моддий-техник ресурсларнинг таркиби, миқдори ва сифатининг асосланиши  |
| 9.  | Лойиҳа ижрочилари ишлаб чиқариш имкониятларининг асосланиши  |
| 10. | Капитал қўйилмалар ва капитал курилишнинг асосланиши   |
| 11. | Ишлаб чиқариш кооперацияларининг асосланиши  |

<sup>18</sup> Тадкикотлар натижасида муаллифлар томонидан шакллантирилди.

Баҳолашнинг мавжуд барча шарт-шароитларида лойиҳаларни ишлаб чиқиш молиявий ва иқтисодий таҳлилнинг талабларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак. Бу эса уни молиялаштиришга замин яратади. Инновацион лойиҳаларни молиявий-иқтисодий баҳолаш маблағларини реал активлар билан муомалага киритишнинг турли хил мумкин бўлган усулларидан фойдаланиш лозим. Ҳозирги шароитда инновацион лойиҳаларни баҳолаш ва уларнинг энг самаралиларини танлаш ва асослаш жараёнида пул маблағларидан фойдаланиш ва улар асосда амалга ошириш марказий ўринни эгаллайди.

### **2.3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлики ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланиш йўллари**

Хўжалик юритувчи субъектларда рентабеллик кўрсаткичлари муҳим молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар сирасига киради. Чунки, рақобат шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжаликлари ҳам ўзининг иқтисодий ва молиявий мустақамлигини таъминлаб бориши лозим. Бунда айнан рентабеллик кўрсаткичларини муттасил ошириб ёки барқарор даражада ушлаб туриш зарур бўлади. Бунда уни кўпайтиришнинг кўпгина йўлларидан фойдаланишни тақозо қилади. Улардан бири, ички имкониятларни аниқлаш ва улардан фойдаланишга солиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур масаланинг долзарблиги яна шу билан характерлики, ҳозирги шароитда аксарият хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар ҳам хусусий мулк асосида шаклланмоқда ва ҳолият кўрсатмоқда. Бундай мулк шакли кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг зарарсиз ишлаши ва самарадорлигининг муттасил ошириб боришидан манфаатдор. Чунки ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг банкротликка учраб ўз фаолиятини тўхтатиши нафақат мулкдор

ун, балки шу ерда меҳнат қилаётган ходимлар, давлат ва жамият учун ҳам  
та йўқотиш бўлиб ҳисобланади. Зеро, ходимлар ишсизлик армияси сафига  
шилади, иш фаолиятида олиб турган иш ҳақи ва бошқа даромадлари  
хтайди, оиланинг фаровонлигига путр етказилади, давлат бюджетига ушбу  
бъектдан келиб турган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклидаги  
шум тўхтади, жамиятда ишсизликнинг ортиши билан битта ишни  
жариб турган корхонанинг тўхташи шу ишнинг ҳам тахчиллигига ва  
зорнинг шу маҳсулотга (хизматга) бўлган талабнинг қондирилмасдан  
лишига олиб келади.

Шу туфайли ҳозирги пайтда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар, шу  
умладан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали  
лашини таъминлашга қаратилган назарий ва амалий тадбирларни ишлаб  
қиш ва ундан амалиётда кенг фойдаланиш лозимлигини тақозо қилади.  
шбу объектив заруратдан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳрида жойлашган  
чик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг бир қисмида рентабеллик  
рсаткичларининг ҳолати ва уларни ошириш йўлларини қараб чиқишни  
қсадга мувофиқ, деб топдик. Чунки ушбу кўрсаткич замирида ҳамма  
олият ўз ифодасини топади. Жумладан, булар сотиш ҳажмининг  
пайишини, субъектда тежамкорлик режимининг амал қилишини,  
ражатларнинг ҳам меъёр даражасидан ошиб кетмаслигини, барча  
лклардан самарали фойдаланиш лозимлиги кабиларни қамраб олади.

Бунда асосий эътиборни рентабеллик даражасига қаратиш лозим.  
нда статистик ва иқтисодий таҳлил йўллар билан кичик бизнес ва хусусий  
дбиркорлик субъектларида рентабеллик кўрсаткичларида содир бўлган  
нденцияларни ва қонуниятларни аниқлашга лозим бўлади. Бунинг учун  
марқанд шаҳрида жойлашган 10 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик  
бъектлари бўйича рентабеллик кўрсаткичларининг 2012 йилда эришилган  
тижаларини қиёсий таҳлилинини амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб  
дик. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга  
вофиқлигини таъкидламоқчимиз (2.8-жадвал).

## 2.8-жадвал

Самарқанд шаҳрида жойлашган 10 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича рентабеллик кўрсаткичларининг 2012 йил натижалари бўйича қиёсий таҳлили<sup>19</sup>

| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар номи <sup>20</sup> | Соф тушум, млн. сўм | Йиллик соф фойда, млн сўм | Рентабеллик даражаси, % |
|--|---------------------|---------------------------|-------------------------|
| Шохруҳ   | 445,3               | 29,2                      | 6,56                    |
| Замондош   | 752,5               | 87,1                      | 11,58                   |
| Меҳмоннавоз  | 324,6               | 23,5                      | 7,24                    |
| Регистон   | 457,2               | 41,0                      | 8,96                    |
| Шердор   | 689,7               | 59,0                      | 8,56                    |
| Улуғбек  | 854,4               | 96,1                      | 11,25                   |
| Турон  | 975,2               | 102,1                     | 10,47                   |
| Ёшлик  | 235,4               | 17,4                      | 7,41                    |
| Кутамиз  | 225,1               | 15,5                      | 6,88                    |
| Чарагон  | 558,4               | 49,0                      | 8,78                    |
| Ҳама   | 5517,8              | 519,9                     | 9,42                    |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, таҳлил учун турли рақамдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар олинган. Энг катта тушумни таъминлайдиган “Турон” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиди тушум 975,2 млн. сўмни ташкил қилган бир пайтда энг кичик оборот билан фаолият кўрсатадиган “Кутамиз” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсида йиллик тушум 225,1 млн сўмни ташкил қилади. Булар ўртасидаги фарқ 4,3 мартага (975,2:225,1) тенг. Ушбу маълумотлар таҳкур тизимда рентабелликни оширишда ички имкониятларни ахтариб олиш учун асос бўлади. Бунинг учун бир қанча кўрсаткичларни аниқлаш заримдир.

1. **Вариация кенглигини** аниқлаб олиш лозим. Бунинг учун тизимга киритилган субъектларнинг энг юқорги кўрсаткичидан, энг паст кўрсаткичини айриш лозим:

$$V_k = X_{\max} - X_{\min} = 11,58 - 6,56 = 5,02$$

<sup>19</sup> Самарқанд шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.  
<sup>20</sup> Самарқанд шаҳридаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг 2012 йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Таҳлил қилинаётган 10 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг рентабеллик даражасидаги фарқ, яъни энг юқорги ва пастги кўрсаткичлар ўртасидаги фарқ 5,02 бандни ташкил қилади.

2. Хулосани янада чуқурлаштириш учун ушбу кўрсаткичларнинг ўртача арифметик миқдорини аниқлаш лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланинилади:

$$P = \frac{\sum P_i}{n};$$

Бунда:  $P$  – рентабелликнинг ўртача кўрсаткичи;

$P_i$  – таҳлил қилинаётган  $i$ -кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг рентабеллиги;

$N$  – таҳлил қилинаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар сони.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида ушбу кўрсаткичнинг миқдори %ни ташкил қилади:

$$P = \frac{6,56 + 11,58 + 7,24 + 8,96 + 8,56 + 11,25 + 10,47 + 7,41 + 6,88 + 8,78}{10} = 8,77 \%$$

Кўриниб турибдики, ўртача арифметик рентабелликнинг даражаси 8,77 %ни ташкил қилади. Бу кўрсатадики, мазкур тизимга кирувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг рентабеллик даражасининг ҳақиқий миқдоридан анча паст. Уларнинг жамланган рентабеллик даражаси 9,42 %га тенг. Улар ўртасидаги тофовут 0,65 бандни (9,42 – 8,77) ташкил қилади. Сабаби, йирик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларда рентабеллик даражасининг юқорилиги билан характерланади. Ўртача кўрсаткичнинг миқдори 5 та корхона кўрсаткичидан юқори, 5 та корхона кўрсаткичининг миқдоридан пастда.

Таъкидланганидек, йирик корхоналарда рентабеллик кўрсаткичи юқори ва аксинча. Бу кўп ҳолларда қонуниятдир. Чунки йирик корхоналарда имконият кичик корхоналарга нисбатан бир хил эмас. Албатта йирик корхоналарда самарадорлик, унинг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган рентабеллик ҳам бошқа кўрсаткичлар сингари юқори бўлиши мумкин. Буни

қуйидаги юқоридан пастга қараб кетма-кетлаштирилган жадвалда ҳам кўриш мумкин (2.9-жадвал).

## 2.9-жадвал

**Тадқиқ қилинаётган 10 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг сотиш ҳажмининг катталигидан қуйига қараб тизимлаштирилгандаги рентабеллик даражасидаги ўзгариш тенденцияси<sup>21</sup>**

| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар номи | Соф тушум, млн. сўм | Йиллик соф фойда, млн сўм | Рентабеллик даражаси, % |
|--|---------------------|---------------------------|-------------------------|
| 7. Турон                                     | 975,2               | 102,1                     | 10,47                   |
| 6. Улуғбек                                   | 854,4               | 96,1                      | 11,25                   |
| 2. Замондош                                  | 752,5               | 87,1                      | 11,58                   |
| 5. Шердор                                    | 689,7               | 59,0                      | 8,56                    |
| 10. Чарағон                                  | 558,4               | 49,0                      | 8,78                    |
| 4. Регистон                                  | 457,2               | 41,0                      | 8,96                    |
| 1. Шохруҳ                                    | 445,3               | 29,2                      | 6,56                    |
| 3. Меҳмоннавоз                               | 324,6               | 23,5                      | 7,24                    |
| 8. Ёшлик                                     | 235,4               | 17,4                      | 7,41                    |
| 9. Кутамиз                                   | 225,1               | 15,5                      | 6,88                    |

Кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларнинг иш ҳажми камайиб борган сари уларнинг рентабеллик даражаси ҳам пасайиб бормоқда. Демак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларга хос бўлган бир жиҳат, уларнинг обороти қанча катта бўлса, ўшанча рентабеллик даражаси юқори бўлиш ва кичик кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликларда мос равишда паст рентабеллик даражаси кузатилмоқда. Мазкур тенденция ҳам ушбу соҳада тадбиркорлик қиламан дейдиганлар учун дастурил амал бўлиши мумкин. Булардан ташқари йирик бизнес кичикларига нисбатан рақобатга чидамли ва молиявий жиҳатдан барқарорликни таъминлаш имкониятига кўпроқ эга бўлади.

4. Энди ўртача квадратик четланишни аниқлаш мумкин. Чунки вариация коэффициентини ушбу кўрсаткичнинг миқдорисиз аниқлаб бўлмайди. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

<sup>21</sup> 1-жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

$$\sigma = \{\sum_{k=0}^n (P_x - P)^2/n\};$$

Ушбу формуладаги маълумотларни ечиш учун қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (2.10-жадвал).

**2.10-жадвал**  
**Ўртача квадратик четланишни аниқлаш ҳисоб-китоби<sup>22</sup>**

| Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликлар номи | $(P_x - P)$        | $\Delta P$ | $\Delta P^2$          |
|--|--------------------|------------|-----------------------|
| 1. Шоҳруҳ                                    | $(6,56 - 8,77)^2$  | $-2,21^2$  | 4,884                 |
| 2. Замондош                                  | $(11,58 - 8,77)^2$ | $2,81^2$   | 7,896                 |
| 3. Меҳмоннавоз                               | $(7,24 - 8,77)^2$  | $-1,53^2$  | 2,341                 |
| 4. Регистон                                  | $(8,96 - 8,77)^2$  | $0,19^2$   | 0,036                 |
| 5. Шердор                                    | $(8,56 - 8,77)^2$  | $-0,21^2$  | 0,044                 |
| 6. Улуғбек                                   | $(11,25 - 8,77)^2$ | $2,48^2$   | 6,150                 |
| 7. Турон                                     | $(10,47 - 8,77)^2$ | $1,70^2$   | 2,890                 |
| 8. Ёшлик                                     | $(7,41 - 8,77)^2$  | $-1,36^2$  | 1,850                 |
| 9. Кутамиз                                   | $(6,88 - 8,77)^2$  | $-1,89^2$  | 3,571                 |
| 10. Чарагон                                  | $(8,78 - 8,77)^2$  | $0,01^2$   | 0,000                 |
| <b>Жами</b>                                  |                    |            | <b>29,658:10=2,97</b> |

Энди ўртача ўзгариш диапазонинг фарқи аниқланади: бу вариация кенглигига нисбатан 2,05 %ни ташкил қилади.

$$5,02 - 2,97 = 2,05 \%$$

Рентабелликнинг ўртача арифметик миқдорига нисбатан 5,80 %га тенглигини кўрамиз:

$$8,77 - 2,97 = 5,80 \%$$

Ушбу кўрсаткичлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, шу таҳлил қилинаётган 10 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжалигида рентабеллик даражаси ўртача даражасининг энг кам миқдори 2,05 %га тенг бўлиши ва энг юқори рентабеллик даражасининг квадратик четланиши 5,80 % бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Аммо 4 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжалигида ушбу кўрсаткич аниқланган миқдордан кам ва 2 та

<sup>22</sup> 1 ва 2 жадвал маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб килинди.

к бизнес ва хусусий тадбиркорликда чегарадан юқори кўрсаткичларга  
илган.

Ушбу кўрсаткичлар асосида вариация коэффициентини ҳам аниқлаш  
ин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$K_v = \frac{\sigma}{P};$$

Бизнинг мисолимизда вариация коэффициенти 0,339 га тенг:

$$K_v = 2,97 : 8,77 = 0,339$$

Мазкур коэффициентнинг миқдори 0,33 дан катта ёки кичик бўлиши  
ин. Бизнинг мисолимизда  $0,339 > 0,33$ , яъни вариация коэффициентини оз  
орда бўлсада меёрга нисбатан катта. Бу мазкур кичик бизнес ва хусусий  
корликларнинг рентабеллик даражаси ўртасидаги фарқнинг  
лигидан далолат беради. Булар бир шаҳарда бир хил шароитда фаолият  
тмоқда. Агар улар ўртасида рентабеллик даражасининг шаклланишида  
тив қонуният бўлганда мазкур кўрсаткичнинг даражасида бунчалик  
фарқ бўлиши мумкин эмас эди. Демак, мазкур кичик бизнес ва хусусий  
корликларда рентабелликнинг шаклланишига бир қанча субъектив ва  
дифий омиллар ҳам таъсир қилади.

Энди ички имкониятларни ахтариб топишга диққатни қаратамиз.  
ур тизимда рентабелликнинг ўртача арифметик даражаси 8,77 %ни  
л қилган эди. Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, мазкур ўрганилаётган 10 та  
к бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таркибига кирувчи 5 та кичик  
с ва хусусий тадбиркорликда рентабеллик даражаси ўртачадан кам.  
улар ҳам ҳеч бўлмаганда ўртача даражада рентабелликка эришганда  
ий рентабеллик даражаси ва мос авишда соф фойдаси янада юқори  
н бўлур эди. Уларнинг ўртача даражасини аниқлаймиз:

$$8,77 - 8,56) + (8,77 - 7,24) + (8,77 - 6,56) + (8,77 - 7,41) + (8,77 - 6,88)$$

$$= \frac{(0,21) + (1,53) + (2,21) + (1,36) + (1,89)}{5} = 1,44 \%$$

Мазкур таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, шу таҳлил қилинаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хўжаликларида рентабеллик даражасининг ўртача арифметик миқдори яна 1,44 %га ошар экан. У ҳолда умумий ўртача арифметик рентабелликнинг даражаси 8,77 % эмас, балки 10,21 %ни  $(8,77+1,44)$  ташкил қилган бўлар эди. У ҳолда соф фойданинг умумий миқдори 519,9 млн сўм эмас, балки, 522,5 млн. сўмни  $(5117,8*10,21/100)$  ташкил қилган бўлар эди. Унда умумий рентабеллик даражаси 9,42 % эмас, балки 9,47 %ни  $(522,5*100/5517,8)$  ташкил қиларди.

Навбатдаги ҳисобот даврида рентабеллиги кам бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ларда унинг раҳбарлари, менежерлар ва мутахассислари ўзларининг молиявий-хўжалик фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиб, рентабеллик кўрсаткичини ўртача даражага етиши ва ундан ҳам ошиб кетишига эришиш чораларини кўришлари керак.

Ҳар қандай лойиҳа жуда зарур ва бир қанча ижобий фазилатларга эга бўлиши мумкин. Аммо у тегишли талабларга жавоб бериши лозим. Акс ҳолда улар фойдаланиш учун қабул қилинмайди. Бунда қуйидагилар таъминланиши лозим. Биринчидан, қўйилган сармоя маҳсулотларини сотиш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобидан тўлиқ қопланиши лозим. Иккинчидан, қўйилган инвестицияларнинг рентабеллигини таъминловчи фойда фирманинг барча харажатларини қоплаши кўзда тутилган фойда даражасидан паст бўлмаслиги керак. Учинчидан, қўйилган инвестициялар белгиланган вақт ичида қопланиши лозим.

Бироқ инвестициянинг даражасига баҳо беришда унинг аҳоли ўсишига мослигини таҳлил қилиш лозим бўлади. Маълум ҳудуд аҳолиси қанча бўлса, инвестициялар ҳам шунга мос бўлиши улар ўртасидаги мутаносибликни ташкил қилади. Мос равишда аҳоли қанча ўсган бўлса, инвестициялар ҳам шунча ўсмоғи лозим. Чунки инновациянинг вужудга келиши у ердаги яшаган аҳолининг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Инновацияни амалиётга жорий

қилиш эса инвестицияни талаб қилади. Аммо бу масала бўйича мамлакатимизда турли йўналишга эга (2.11-жадвал).

## 2.11-жадвал

### Ўзбекистон Республикаси вилоятларининг мамлакат аҳолисидаги ва инвестициялардаги улашининг 2000-2012 йиллардаги ўзгариши<sup>23</sup> (фоиизга)

| ҚҚР, вилоятлар ва пайтахт номи | 2000 йил     |                      | 2005 йил     |                      | 2010 йил     |                      | 2012 йил     |                      |
|--------------------------------|--------------|----------------------|--------------|----------------------|--------------|----------------------|--------------|----------------------|
|                                | Аҳоли сонида | Инвестиция маблағида |
| Ўзбекистон Республикаси        | 100,0        | 100,0                | 100,0        | 100,0                | 100,0        | 100,0                | 100,0        | 100,0                |
| Қорақалпоғистон республикаси   | 6,0          | 5,1                  | 6,0          | 4,3                  | 5,9          | 5,3                  | 5,3          | 6,0                  |
| Андижан вил.                   | 9,1          | 5,0                  | 9,0          | 3,6                  | 9,0          | 3,7                  | 9,0          | 4,1                  |
| Бухоро вил.                    | 6,0          | 4,1                  | 5,8          | 7,8                  | 5,7          | 19,8                 | 5,7          | 14,2                 |
| Жиззах вил.                    | 4,0          | 2,3                  | 4,0          | 2,4                  | 4,0          | 1,8                  | 4,0          | 2,2                  |
| Қашқадарё вил.                 | 8,9          | 16,9                 | 9,0          | 14,6                 | 9,7          | 17,6                 | 9,8          | 16,8                 |
| Навоий вил.                    | 3,3          | 6,4                  | 3,7          | 7,1                  | 3,0          | 4,7                  | 3,0          | 5,1                  |
| Наманган вил.                  | 7,9          | 5,5                  | 7,8          | 3,7                  | 7,9          | 3,8                  | 7,9          | 4,0                  |
| Самарқанд вил.                 | 11,0         | 5,7                  | 11,          | 4,9                  | 11,0         | 4,4                  | 11,0         | 5,2                  |
| Сурхандарё вил.                | 7,2          | 3,4                  | 7,2          | 5,3                  | 7,8          | 4,2                  | 7,8          | 4,1                  |
| Сирдарё вил.                   | 2,3          | 2,1                  | 2,5          | 1,7                  | 2,5          | 1,8                  | 2,5          | 1,9                  |
| Тошкент вил.                   | 9,7          | 7,1                  | 8,4          | 10,2                 | 9,1          | 10,1                 | 9,3          | 10,7                 |
| Фарғон вил.                    | 10,2         | 6,4                  | 10,9         | 4,5                  | 10,8         | 5,3                  | 10,8         | 5,5                  |
| Хоразм вил.                    | 5,5          | 3,4                  | 5,5          | 1,9                  | 5,5          | 1,9                  | 5,5          | 2,1                  |
| Тошкент ш.                     | 8,8          | 23,6                 | 8,2          | 20,1                 | 8,7          | 17,0                 | 8,4          | 18,0                 |
| Республикадан ташқарига        | -            | 3,0                  | -            | 8,0                  | -            | -                    | -            | -                    |

Мазкур жадвал маълумотларига диққат билан эътиборни қаратадиган бўлсак, 6 та ҳудудда инвестицияларнинг улуши аҳолининг улушига нисбатан анча юқори, мос равишда 8 та ҳудудда ушбу кўрсаткич аҳолининг улушидан кам. Жумладан Тошкент шаҳри аҳолисининг улуши мамлакат аҳолисининг 8,4 %ни ташкил қилган бир пайтда, инвестицияларнинг 18,0 %ни ташкил қилган. Мос равишда Қашқадарё вилоятида 9,8 % аҳолисига 16,8 % инвестиция тўғри келади. Худди шундай ҳолатни Бухоро вилоятида ҳам кузатиш мумкин. Бу ерда мос равишда 5,7 %ни ва 14,2 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики, мазкур ҳудудларда мамлакат иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга молик объектлар (нефт-кон, ёқилғи-энергия объектлари)

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

мавжуд. Лекин иқтисодиётнинг мутоносиб ривожланишини таъминлаш учун унинг асосий омилли бўлган инвестицияларни мутоносиб равишда тақсимлашни тақозо қилади.

Аммо қўйилган инвестициялар тегишли самара бериш керак. Бунинг самарадорлигини баҳолаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, инвестициялар самарадорлигини баҳолаш бирмунча қийин вазифа ҳисобланади. Шунинг учун инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш, уларни чуқур таҳлил этишни ва уларга таъсир этувчи омилларни тўлалигича ҳисобга олган ҳолда ўрганишни талаб этади. Бунга асосан дисконтлаш усулини қўллаш орқали эришилади. Бундай усуллар пайдо бўлишининг асосий сабабларидан бири – пул маблағлари қийматининг тегишли вақтларда (турли вақтларда) бир хил қийматга эга бўлмаслиги ҳисобланади.

Бугунги иқтисодиёт шароитида пулнинг қадрсизланиш жараёнини рўй бериши давом этмоқда. Бу амалиётда шу нарсани англатадики, бугунги кундаги бир сўм эртанги кунда ёки бир йилдан кейинги сўм билан тенг бўлмайди. Бугун 100 сўмга харид қилган нарсани келгуси йилда 105 ёки 110 сўмга харид қилишингиз мумкин. Бу ҳолат пулнинг қадрсизланиш даражаси билан боғлиқдир.

Бундан ташқари, бугунги бир сўм пулимиз эртага кўпайиб туриши лозим. Ҳозирги кунда пул пулни топиши керак. Шу туфайли пулга бўладиган турлича муносабат тўғрисида фикр юритилар экан, тадбиркор инфляция мавжуд бўлмаса ҳам, биринчи галда мавжуд инвестицияга қўйилган пулидан фойда олиши лозим. Бунга сабаб, бугун бирор-бир тижорат операцияларига (хоҳ у банкда бўлсин) жойлаштирилган сўм, бир йилдан сўнг ундан олган фойда ҳисобига каттароқ суммага ўсишга эга бўлиши мумкин.

Манфаатдорлик бор жойда интилиш, интилиш бор жойда мувоффақият, мувоффақият бор жойда таракқиёт, таракқиёт бор жойда фаровонлик, фаровонлик бор жойди сифатли турмуш таъминланади. Бунга эришиш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳа ҳам инновациялар эвазига жадал ривожланади.

Кичик бизнес вакиллари инновацион лойиҳаларни татбиқ қилишда асосан, ўз маблағлари билан бирга халқаро ташкилотлар томонидан тиннадиган имтиёзли кредитлар ҳисобидан ҳам фойдаланиш имкониятларига эришади. Аммо кичик бизнес вакиллари инновацион лойиҳаларни амалга оширишда асосан ўз маблағларигагина таяниб фаолият кўрсатишмоқдалар ва мазкур соҳа корхоналарнинг кўпчилиги асоратли равишда ўз маблағларининг етишмаслик муаммосига дучор бўлмоқдалар. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда давлат томонидан молиявий қўллаб-қўвватлаш дастури амалда. Аммо уларнинг кўплари амалиётга жорий қилинмасдан қолиб кетмоқда. Уларни жорий қилишдан муаллифларнинг манфаатдорлиги (моддий ва маънавий) ҳам жуда юқори эътиборини инновацион фаолликнинг суғуланишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жорий қилишда бирмунча қийинчиликларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, кичик бизнес соҳасида яратиладиган инновацион лойиҳаларнинг амалиётга жорий қилиниши кўйидаги имкониятларга эришишга ва қулайликларни қўлга киритишга катта шароит яратади:

Биринчидан, иқтисодий аҳолини иш билан таъминлаш натижасида бандлик муаммосини ҳал қилади, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини ошириш эътиборига, обод турмушини яхшилаш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш эътиборига миллий ва хорижий валюта маблағлари тушумини оширишга, маҳаллий ва давлат бюджети даромадлар қисмининг ошишига ёрдам беради.

Учинчидан, республикамизда яратилган маҳсулотлар қийматининг ўсишига, шу орқали ҳудудий ва ялпи ички маҳсулотнинг ошишига ўз ҳиссасини қўшади;

Тўртинчидан, мамлакатда илғор технологияларнинг тараққиётини таъминлайди, модернизация ва техник янгиланишга ижобий таъсир кўрсатиб, замонавий тажриба, бошқарув малакаси, малакали кадрлар

кўникмасининг ҳосил бўлишига, уларнинг замонавий билимларни эгаллаб, ахборот коммуникация ютуқларидан ўз фаолиятларида кенг фойдаланишларига имкон беради.

Бешинчидан, истеъмолчиларнинг маҳсулотлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини сифатли ҳамда арзон маҳсулотлар (хизматлар) билан тўлароқ қондириш имкониятини яратади.

Олтинчидан, республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантириш билан бирга ўтказилаётган ислохотларнинг иқтисодий натижаларини кўрсатиб беради ва мамлакатимизнинг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашув жараёнини чуқурлаштириб боради ҳамда жаҳон бозорига сифатли тайёр маҳсулотлар (хизматлар) билан кириб боришга эришилади.

Еттинчидан, мамлакатимизнинг жаҳон майдонида иқтисодиёт соҳасида ҳам нуфузининг ошишига катта имконият яратади. Энг муҳими, барча чоратадбирлар эвазига аҳолининг фаровонлиги ошиб, мамлакатимизда обод турмушни таъминлаш имконияти яратилади.

Умумий хулоса қиладиган бўлсак, шуни таъкидлаш жоизки, келгусида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишида инновацион жараёнлар асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ҳам дахлдордир.

### **III-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ВА ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

#### **3.1. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз кўрсаткичлари**

Ҳозирги пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз ва вилоятимиз иқтисодиётида муносиб ўринни эгаллаб бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ўта жиддий масалалар сирасига киради. Чунки мазкур соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга асос бўлади.

Самарқанд вилоятида 2012 йил давомида жами рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони 13613 тага етиб, рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг 86,4 фоизи (11766 та) фаолият кўрсатиб келмоқда, 1847 та (13,6 фоизи) кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмасдан турибди.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларининг асосий қисми Самарқанд шаҳрида 789 та бўлиб, жами рўйхатдан ўтганларнинг 16,8 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 42,7 фоизини, Пастдарғом туманида 142 та бўлиб, 13,3 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 7,7 фоизини, Оқдарё тумани 70 та 16,4 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 3,8 фоизини, Самарқанд тумани 138 та 13,8 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 7,5 фоизини ва Пахтачи туманида 65 та 22,1 фоизни ҳамда вилоятда фаолият кўрсатмаётганларнинг 3,5 фоизини ташкил қилиб вилоятнинг ушбу соҳадаги кўрсаткичини орқада қолишига сабаб бўлмоқда.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектларининг 92 фоизи айланма маблағларининг етишмаслиги, 0,7 фоизи хом ашё муаммоси сабабли, 4,7 фоизи биноси йўқлиги сабабли, 1,1 фоизи ер муаммоси сабабли ва бошқа ҳар хил сабабларга кўра фаолият кўрсатмасдан турибди.

2012 йил давомида туман ва шаҳар ҳокимликлари қошидаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш» инспекциялари томонидан 1478 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинди.

Кичик бизнес субъектлари ҳамда кичик тадбиркорларга 2012 йилда 1564 та (129,8 минг кв.м) фаолият кўрсатмаётган бўш турган майдонлар ва 2013 йил учун кичик бизнес субъектларига жами 39 та (25,1 минг кв.метр) фаолият кўрсатмаётган бўш турган майдонлар ижарага берилиши бўйича таклифлар тақдим этилмоқда.

Кичик бизнес субъектларига 2012 йил давомида жами 409,7 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Шу жумладан қисқа муддатли кредитлар 159,9 млрд. сўмни, узоқ муддатли кредитлар эса 249,8 млрд. сўм, хорижий кредитларни ўзлаштириш 25,5 млн. АҚШ доллар миқдорида маблағлар ўзлаштирилди.

2012 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотдаги кичик бизнеснинг улуши 70,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,0 бандга ўсишига эришилган. Иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес субъектларининг саноат маҳсулотларидаги улуши 43,2 фоизни, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотидagi улуши 98,4 фоизни, қурилиш ишларида 92,3 фоизни, чакана савдо айланмасида 50,6 фоизни ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш 53,9 фоизни ташкил қилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, КБ ва ХТ субъектлари ривожланиши, рўйхатдан ўтганларининг тўлиқ ишлашига ҳам боғлиқдир. Аммо уларнинг аксарият қисми, яъни 92,0 % айланма маблағларнинг етишмаслиги сабабли фаолият кўрсатмаяпти. Демак, уларнинг айланма маблағларини тўлдиришнинг имкониятларини қилиш керак. Тадбиркорлар билан ўтказилган оғзаки суҳбатларда эътироф этишича ҳамон айрим тижорат банклари кредит беришни жуда пайсалга солиш ҳоллари содир бўлмоқда. Уларнинг гаровга қўядиган мол-мулки масаласи ҳам анча жиддий ўз ечимини кутаётган масалалардан биридир. Шундай қилиб, барча амалга

ширилган тадбирлар КБ ва ХТ субъектларини келгуси истиқболда янада ривожлантириш имконини яратмоқда. Буни ушбу жадвалда ҳам кўриш мумкин (3.1-жадвал).

### 3.1-жадвал

**Самарканд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ва уни ривожлантиришнинг 2015 йилларгача бўлган даврга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари<sup>24</sup>**

| №  | Кўрсаткичлар  | Ўлчов бирлиги | 2010 г. (ҳисобот) | 2011 г. (ҳисобот) | 2012 г. (прогноз) | 2013 г. (прогноз) | 2014 г. (прогноз) | 2015 г. (прогноз) |
|--|---|---------------|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|-------------------|
| 1.   | КБ ва ХТнинг ЯХМдаги улуши  | %             | 73,6              | 76,2              | 76,8              | 77,1              | 77,4              | 77,7              |
| 2.   | <i>Шу жумладан:</i>   |               |                   |                   |                   |                   |                   |                   |
| 3.   | Кичик корхоналар  | %             | 12,4              | 11,7              | 11,9              | 12,0              | 12,1              | 12,2              |
| 4.   | Микрофирмалар   | %             | 23,4              | 24,5              | 24,7              | 24,8              | 24,9              | 25,0              |
| 5.   | Якка тадбиркорлар   | %             | 37,8              | 40,0              | 40,2              | 40,3              | 40,4              | 40,5              |
| 6.   | КБ ва ХТда банд бўлганлар сони                                    | Минг киши.    | 998,8             | 1041,9            | 1063,0            | 1090,5            | 1124,5            | 1160,2            |
| 7.   | Барча бандлардаги улуши   | %             | 81,2              | 82,1              | 83,4              | 85,3              | 88,0              | 90,7              |
| <i>КБ ва ХТнинг ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот (хизмат)даги улуши</i> |   |               |                   |                   |                   |                   |                   |                   |
| 8.   | Саноатда  | %             | 38,6              | 43,2              | 44,3              | 45,4              | 46,8              | 48,4              |
| 9.   | Қишлоқ хўжалигида   | %             | 97,8              | 97,5              | 98,1              | 98,3              | 98,5              | 98,7              |
| 10.  | Асосий капиталга қўйилган инвестицияларда                         | %             | 41,3              | 51,2              | 52,4              | 53,6              | 54,5              | 56,2              |
| 11.  | Қурилишда   | %             | 86,2              | 92,6              | 93,1              | 94,6              | 96,4              | 97,9              |
| 12.  | Чакана товар оборотида  | %             | 62,3              | 53,4              | 61,2              | 62,2              | 62,3              | 62,5              |
| 13.  | Пуллик хизматларда  | %             | 61,3              | 59,9              | 69,5              | 69,9              | 70,0              | 71,5              |
| 14.  | КБ ва ХТнинг экспортдаги улуши                                    | %             | 61,0              | 73,4              | 75,0              | 76,8              | 78,9              | 81,4              |
| 15.  | КБ ва ХТнинг импортдаги улуши                                     | %             | 62,5              | 67,8              | 69,6              | 70,1              | 70,9              | 71,8              |
| 16.  | Фаолият кўрсатаётган КБ ва ХТ субъектлари (фермер хўжаликларисиз) | тыс. е д.     | 11,3              | 13,2              | 13,4              | 13,7              | 14,1              | 14,4              |
| 17.  | Уларнинг барча рўйхатга олингандагилардаги улуши                  | %             | 76,0              | 88,3              | 89,5              | 90,3              | 91,7              | 92,8              |

<sup>24</sup> Самарканд вилояти ҳокимлиги иқтисодиёт бошқармаси томонидан қилинган ҳисоб-китоб асосида муаллифнинг ишланмаси..

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБ ва ХТ) субъектларининг улуши 2010 йилда 73,6 %га тенг бўлган. Бу республиканинг кўрсаткичига (54,0 %) нисбатан анча юқори. Унинг миқдори вилоятда 2011 йилда 76,2 %ни ташкил қилди. Хуллас, прогноз кўрсаткич бўйича 2015 йилга бориб КБ ва ХТнинг вилоят ЯХМдаги улуши 77,7 %гача кўтқрилиши кўзда тутилган. Демак, келгусида ҳам ушбу соҳани жадал ривожлантириш лозимлидан далолат бериб турибди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимида яқка тадбиркорликнинг улуши салмоқли. 2010 йилда мазкур соҳанинг вилоят ЯХМдаги улуши 37,8 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга бориб 40,7 %ни шу соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар яратади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳам ривожланади. Аммо уларнинг ривожланиши умумий кўрсаткич доирасида амалга оширилади. Микрофирмаларнинг улуши 2010 йилда 23,4 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга бориб ушубу кўрсаткичнинг миқдори 25,0 %гача кўтарилади. Мазкур соҳа таркибида кичик корхоналар улуши 2010 йилдаги 12,4 %лик миқдор 2015 йилга бориб, 12,2 %гача камайиши кўзда тутилган. Келажакда яқка тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши кўпайиши ушбу соҳани ривожлантириш учун тегишли шароитни яратиш борасидаги ишларни янада кучайтириш лозимлигидан далолат беради.

Бундай ҳолатни тармоқлар бўйича таҳлил қилинганда ҳам кузатиш мумкин. КБ ва ХТнинг тармоқлардаги улуши ҳам салмоқли. Саноатда 2010 йилда 38,6 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 48,4 %га етиши кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалиги билан қурилиш соҳасида мазкур кўрсаткичнинг миқдори 2010 йилда мос равишда 97,8 ва 86,2 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга бориб 98,7 ва 97,9 %ни ташкил қилади. Кўриниб турибдики иқтисодиётнинг энг муҳим соҳаларида ҳал қилувчи ролни КБ ва ХТ субъектлари ташкил қилади. Мос равишда уларнинг улушида нодавлат секторининг улуши ҳам юқорилигидан далолат беради, чунки ушбу соҳада

КБ ва ХТ асосан хусусий мулк шаклига асослангандир. Яна бир характерли жиҳат асосий капиталга қўйилган инвестицияларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ҳам шу йилларда ярмидан ошиб кетади. 2010 йилда тадбиркорликнинг миқдори 41,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга бориб 56,2 %га етиши кўзда тутилган. Худди шундай гапларни чакана савдо обороти бўйича ҳам айтиш мумкин. Ушбу соҳада КБ ва ХТнинг улуши 2010 йилда 62,3 %ни ташкил қилган бўлса, 2015 йилга бориб 62,5 %га етади. Пулли хизматларда КБ ва ХТнинг улуши 2010 йилда 61,3 % бўлган бўлса, 2015 йилда 71,5 %ни ташкил қилиши кўзда тутилган. Энг характерли жиҳат шундаки, КБ ва ХТнинг мамлакат экспортидаги ва импортидаги улуши ҳам кескин ўсиб боради. Унинг миқдори 2010 йилда мос равишда 61,0 ва 62,5 %ни ташкил қилган. Мазкур кўрсаткич 2015 йилда мос равишда 81,4 ва 71,8 %га етиши кўзда тутилган. Фаолият кўрсатаётган КБ ва ХТ субъектларнинг (фермер хўжаликларисиз) сони ҳам ошиб бормоқда. 2010 йилда вилоятимизда 11,3 мингта КБ ва ХТ субъектлари фаолият олиб борган бўлса, 2015 йилга бориб 14,4 мингтага етиши кўзда тутилган. Бу 2010 йилга нисбатан 127,4 % кўп ( $14,4 \cdot 100 / 11,3$ ) демакдир. Энг муҳими ҳозирги пайтда рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатмаётган КБ ва ХТ субъектларнинг улуши 24,0 %ни ( $100 - 76,0$ ) ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич 7,2 %гача ( $100 - 92,8$ ) қисқариши кўзда тутилган. Демак, деярли барча рўйхатдан ўтган КБ ва ХТ субъектлари фаолият кўрсатади. Бу ҳам кўп нарсадан далолат беради.

Биринчидан, уларнинг фаолияти учун тегишли шароитнинг яратилиши билан боғлиқ. Уларнинг оборот маблағларини кредитлар эвазига қоплаш масаласи янада яхшиланади. Иккинчидан молиявий маблағларнинг етарлилик даражаси ҳам шунга мос бўлади. Фаолият кўрсатган КБ ва ХТ субъектлари ўзини-ўзи маблағ билан қоплаш тамойилида фаолият кўрсатади. Учинчидан, журат қилиб бизнесга киришган шахслар иккиланмасдан фаолиятини бошлаш кўникмасига эга бўлади. Бунга асосий сабаб мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитининг яратилиши устувор вазифа сифатида белгиланиши билан ҳам боғлиқдир.

Шундай қилиб, КБ ва ХТ субъектлари келгусида бутун амлакатимизда, шу жумладан Самарқанд вилоятида ҳам ривожланиш имконияти яратилади.

### **3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг фаолият турлари ва таркиби бўйича прогноз кўрсаткичлари**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг фаолият турлари ва таркиби бўйича прогноз қилиш учун энг аввало уларнинг тегишли гуруҳларига аниқликлар киритиб олишни тақозо қилади. Бунинг учун 2003 йилнинг 11 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 439-сонли қарорини<sup>25</sup> инобатга олишни ва шунга асосланишни мақсад қилиб қўймоқдамиз. Чунки бу қарор ҳаёт билан ҳамнафас тарзда такомиллашиб борди. Мазкур Қарорга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.2011 й. ПҚ-1529-сон Қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.02.2012 й. 56-сон Қарорларига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 9 апрелдаги Фармонига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2003 йил 30 августдаги Фармонининг 3-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси яна шу соҳани ривожлантиришга оид қарорини қабул қилди<sup>26</sup>.

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг барқарорлигини таъминлашда КБ ва ХТнинг ўрни ва роли катта. Ўз навбатида кичик бизнес

<sup>25</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги “Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида” 439-сонли қарори. Мазкур Қарорга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган. ЎзР Президентининг 12.05.2011 й. ПҚ-1529-сон Қарори, ЎзР ВМ 28.02.2012 й. 56-сон Қарори.

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3305-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Фармони.

ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш алоҳида фаолият турлари ва таркиби бўйича мутаносиб бўлишликни таъминлашни талаб қилади. Бунга эришиш учун уларни алоҳида турлари бўйича режалаштириш ва узок муддатга мўлжалланган прогноз кўрсаткичларини белгилаб қўйиш лозим бўлади. Бунда КБ ва ХТ субъектларини маълум туркумларга бўлиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Ушбу соҳани фаолият турлари бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин (3.1-расм).



### 3.1-расм. КБ ва ХТ субъектларининг фаолият турлари бўйича гуруҳлари

КБ ва ХТ субъектлари биринчи галда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишга қаратилмоғи лозим. Мазкур соҳа билан боғлиқ фаолият турларининг умумий сони 418 тани ташкил қилади. Булар таркибида асосий ўринни саноат ташкил қилади. Буларга классификатор бўйича 385 та фаолият тури киради. Ишлаб чиқаришнинг иккинчи гуруҳи кишлок хўжалиги соҳасини ташкил қилади. Бунга классификатор бўйича 33 та фаолият турлари киритилган.

КБ ва ХТ субъектлари иш бажариш фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ушбу соҳа билан боғлиқ фаолият турларининг умумий сони 52 тани ташкил қилади. Буларга қуйидаги фаолият турларини киритиш мумкин. Энг аввало мазкур гуруҳда транспорт ва алоқани киритиш мумкин. Ушбу гуруҳга 26 та

фаолият тури киритилган. Қурилиш хизматларига ҳам 26 та фаолият тури киритилиши кўрсатилган.

КБ ва ХТ субъектлари хизмат кўрсатиш фаолияти билан ҳам қўллаб-қўллангани кўрсатилган. Мазкур соҳа билан боғлиқ фаолият турларининг умумий сони 51 тани ташкил қилади. Буларга қуйидаги фаолият турларини киритиш мумкин. Савдо ва умумий овқатланишга 31 та фаолият тури киритилган бўлса, моддий-техника таъминоти ва сотиш билан боғлиқ хизматларга 37 та фаолият тури мансублиги кўрсатилган. Навбатдаги хизмат гуруҳи тураржой-коммунал хизматларига 83 та фаолият турининг кириши кўзда тутилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳиссаси катта лигини инобатга олиб, уларнинг айрим турларини келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик:

- коммунал хизматлар;
- маиший хизматлар;
- савдо (сотиш) хизматлари;
- умумий овқатланиш хизматлари;
- туризм хизматлари;
- экологик туризмнинг ўзига хос хусусиятлари;
- меҳмонхона хизматлари;
- транспорт ва йўловчи ташиш хизматлари (турлари бўйича);
- автотранспортларга кўрсатиладиган хизматлари;
- агросервис хизматлари;
- сақлаш ва сотиш хизматлари;
- қурилиш хизматлари;
- алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари;
- компьютерларни дастурлаш ва бошқа алоқа воситаларини таъмирлаш хизматлари;
- пулли хизматлар;
- молия хизматлари;
- суғурта хизматлари;

- ғазначилик хизматлари;
- ноширлик хизматлари;
- тиббий хизматлар;
- даволаш ва санатория хизматлари;
- спорт ва соғломлаштириш хизматлари;
- социал-ижтимоий хизматлар;
- таълим хизматлари;
- профессионал хизматлар;
- юқори технологик хизматлар;
- консалтинг хизматлари;
- юридик хизматлар;
- иссиқлик таъминоти хизматлари;
- аудиторлик хизматлари;
- банк хизматлари;
- биржа хизматлари;
- воситачилик хизматлари;
- майиший техник жиҳозларни таъмирлаш хизматлари;
- баҳолаш хизматлари;
- маркетинг хизматлари кабилар.

Юқорида номи зикр этилган хизматлар ҳаётдан олинган, бугунги кунда панилаётган хизматлардир. Уларнинг айримлари шу тарзда шу ном билан классификаторда кўрсатилган эмас, чунки ҳаёт шу даражада шиддат билан тармоқдаки, у ҳар куни янги-янги атама ва хизмат турларинидан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

КБ ва ХТ субъектларини ривожлантиришнинг аҳамияти нафақат теъдодий натижалар билан, балки ижтимоий масалаларни ҳал қилиши билан ҳам қимматлидир. Шу туфайли уларни ривожлантиришнинг бир қанча услублари мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

КБ ва ХТ субъектлари фаолиятига инновацион ғояларни тадбиқ қилиш;

ушбу субъектлар сонини КХК битирувчиларига мустақил тадбиркорлик фаолиятини очиб бериш эвазига кўпайтириш;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига уларнинг сонини кўпайтириш;

КБ ва ХТ субъектлари фаолиятига янги илғор техника ва технологияларни жорий қилишга эришиш учун республикамизга мини технологияларни олиб келиб сотиш масаласини турли ярмаркалар ва бошқа йўллар билан йўлга қўйиш;

хориждан келтириладиган илғор инновацион технологияларга божхона ва бошқа имтиёзларни янада кучайтириш;

КБ ва ХТ субъектлари учун илғор технологияларда ишлайдиган кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

КБ ва ХТ субъектлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, КХКларида янги инновацион технологияларни ишлатиш бўйича мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

КБ ва ХТ субъектларини ҳудудлар бўйича мутаносиб ривожланишини таъминлаш учун ҳудудлардаги талабни ўрганиш ва у ердаги маҳаллий ресурсларни ҳам ишга солиш йўлларини қараб чиқиш;

мамлакатимизнинг КБ ва ХТ субъектлари учун мини технологияларни яратиш ва уни амалиётга жорий қилиш бўйича ижодий конструкторлик ва ихтирочилик гуруҳларини ташкил қилиш эвазига уларни ўзимизда яратишга эришиш;

илғор инновацион технологияларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва сифатини ошириш эвазига ўзимизнинг технологияларимизни хорижга сотишни ҳам йўлга қўйиш;

янги илғор инновацион технологияларни амалиётга жорий қилиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларида тажриба-синов майдончаларини очиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш;

- КБ ва ХТ субъектларининг мамлакат ЯИМдаги улушини янада ошириб, иқтисодиётнинг етакчи соҳасига айлантиришга эришиш кабилар.

Агар ушбу тавсияларимиз амалга ошадиган бўлса, мамлакатимиз иқтисодиётида КБ ва ХТ субъектларининг ўрни ва роли янада ошади, ҳолининг фаровонлиги ва яшаш сифати ўнгланади, мамлакатимизда ўрта синф шаклланиб иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик таъминланади.

### **3.3. Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳолатининг таҳлили ва улар фаолиятини такомиллаштириш йўллари**

Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг умумий сони 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига 4552 тани ташкил қилади. Улардан фаолият кўрсатаётганлари 12733 тани қилиб умумий рўйхатдан ўтган корхоналар таркибида 87,5 %га тенг. Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари сони 1819 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 12,5 фоизини ташкил этди. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 366 та (рўйхатдан ўтганларнинг 13,1 фоизини), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 189 та (9,8 фоиз), транспорт ва алоқада 42 та (11,3 фоиз), қурилишда 252 та (16,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 702 та (14,5 фоиз) ва бошқа соҳаларда 268 та (8,7 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмасдан келмоқда. Буларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир туман ва шаҳарда вазиат ўхшашлиқ бўлади. Бу ҳолатдан тегишли ҳокимлик ва бошқа мутасаддилар ўзига тўғри келадиган хулоса қилиб олишлари лозим.

#### **Самарқанд шаҳар бўйича:**

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, Самарқанд шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига 4796 тани ташкил этиб, шундан 4142 таси ёки 86,4 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-қўрақ натижаси бўйича тақдим этган статистик ҳисоботларида 852 тасида иш

ишмасининг ҳажми кўрсатилмаган ва 680 таси умуман ҳисобот тақдим этилмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги, юридик манзиллари нотўғри бўлган ёки таъсисчилари бошқа чет мамлакатларда жойлашган корхоналар қаторидир. Буларнинг ҳам ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 665 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 13,8 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 146 та (13,6 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 20 та (28,6 фоиз), транспорт ва алоқада 19 та (12,4 фоиз), қурилишда 82 та (15,0 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 297 та (16,5 фоиз) ва бошқа соҳаларда 106 та (8,2 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Каттақўрғон шаҳар бўйича:**

Кузатувлар натижасида Каттақўрғон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 497 тани ташкил этиб, шундан 425 таси ёки 85,5 фоизи фаолият кўрсатиб келаётганлиги аниқланди. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чорак натижаси бўйича тақдим этган статистик ҳисоботларида 71 тасида иш натижасининг ҳажми кўрсатилмаган ва 22 таси умуман ҳисобот тақдим этилмаган. Ушбу корхоналар ҳам фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётган бўлиши мумкин. Кўпларининг юридик манзиллари нотўғри кўрсатилган. Айримларининг таъсисчилари бошқа чет мамлакатларда жойлашган корхоналардир. Уларнинг ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Таҳлилларда кўрсатилишича фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 84 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 17,1 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 8 та (8,7 фоиз), қишлоқ ва ўрмон

калигида 19 та (35,2 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (5,0 фоиз), қурилишда 6 та (16,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 29 та (14,6 фоиз) бошқа соҳаларда 21 та (23,1 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Оқдарё тумани бўйича:**

Тадқиқот натижасида аниқланишича Оқдарё туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 449 тани ташкил этиб, шундан 368 таси ёки 82 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 114 таси ҳажмсиз тақдим этишган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги, юридик манзиллари нотўғри кўрсатилган ёки таъсисчилари ноаниқ. Айримлари чет мамлакатларда жойлашган корхоналар бўлиб, уларнинг баъзилари ўз фаолиятларини тугатганлар. Шунинг учун буларнинг ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Таҳлиллар натижасида аниқландики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 88 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 19,4 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 27 та (27,8 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 8 та (11,1 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (14,3 фоиз), қурилишда 12 та (21,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 22 та (13,7 фоиз) ва бошқа соҳаларда 18 та (31,0 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Булунғур тумани бўйича:**

Бошқа туманлар сингари Булунғур туманида ҳам жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 505 тани ташкил этиб, шундан 430 таси ёки 85,1 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 82 таси ҳажмсиз ва 15 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида

турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аён. Чунки фаолият кўрсатганда оз бўлсада иш ҳажми бўлиши керак эди. Уларнинг ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади. Чунки, ҳар бир корхонанинг тўхтаб туриши мамлакатнинг иқтисодий ҳаётига, давлат, аҳоли, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун ҳам зарардир.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 82 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 16,2 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 12 та (21,1 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 26 та (28,0 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (11,1 фоиз), қурилишда 4 та (12,5 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 31 та (13,6 фоиз) ва бошқа соҳаларда 8 та (9,3 фоиз) кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Жомбой тумани бўйича:**

Жойлашиши жиҳатидан қулай бўлган Жомбой туманида ҳам жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 551 тани ташкил этиб, шундан 500 таси ёки 90,7 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 63 таси ҳажмсиз ва 9 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аниқ. Буларнинг ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади. Чунки, уларнинг юридик манзиллари нотўғри кўрсатилган бўлиши ёки таъсисчилари бошқа мамлакатларда жойлашган корхоналар эгаларидан иборат бўлган бўлишлари ҳам мумкин. Нима бўлганда ҳам уларни фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Ўрганишлар натижасида аниқландики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 51 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 9,2 фоизини ташкил

етиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқорилигича қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 15 та (13,8 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 2 та (1,3 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (7,7 фоиз), қурилишда 9 та (15,5 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 14 та (8,5 фоиз) ва бошқа соҳаларда 10 та (16,1 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Иштихон тумани бўйича:**

Кузатувлар натижасида аниқландики Иштихон туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 748 тани ташкил этиб, шундан 654 таси ёки 87,4 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чорақда статистик ҳисоботларни 74 таси ҳажмсиз ва 83 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аён бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатга барҳам бериш лозим.

Таҳлилларда аниқланишича фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 143 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 19,2 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқорилигича қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 44 та (42,3 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 38 та (14,7 фоиз), транспорт ва алоқада 3 та (25,0 фоиз), қурилишда 15 та (22,4 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 34 та (16,7 фоиз) ва бошқа соҳаларда 9 та (9,1 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Каттакўрғон тумани бўйича:**

Тадқиқот натижасида аниқланишича Каттакўрғон туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 641 тани ташкил этиб, шундан 472 таси ёки 73,6 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чорақда статистик ҳисоботларни 97 таси ҳажмсиз ва 106 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият

юритмаётганлиги кўриниб турибди. Шу туфайли уларнинг ҳам ҳар бирига аниқлик киритиш лозим бўлади.

Кузатиш натижаси кўрсатдики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 171 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 26,3 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқорилигича қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 21 та (28,0 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 60 та (37,0 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (6,3 фоиз), қурилишда 14 та (22,2 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 67 та (24,9 фоиз) ва бошқа соҳаларда 8 та (12,3 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Кўшробот тумани бўйича:**

Вилоятнинг узоқ туманларидан бири Кўшробот туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 344 тани ташкил этиб, шундан 318 таси ёки 92,4 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 45 таси ҳажмсиз ва 35 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлигига гувоҳ бўлдик. Кўплари ўз фаолиятини жуда мувоффақият билан бошлаган, аммо қисқа вақтда фаолияти тўхтаган. Шу туфайли ҳар бир туманда тадбиркорликка ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш лозимга ўхшайди.

Маълум бўлишича, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 31 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 9,0 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқорилигича қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 6 та (8,5 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 2 та (4,3 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (8,3 фоиз) қурилишда 3 та (7,0 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 17 та (12,7 фоиз) ва бошқа соҳаларда 2 (5,4 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

### **Нарпай тумани бўйича:**

Етакчи туманлардан бири бўлган тумандаги аҳволни тадқиқот натижасида аниқланишича Нарпай туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 452 тани ташкил этиб, шундан 416 таси ёки 92 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 48 таси ҳажмсиз ва 66 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлигини кўрдик. Улар фаолияти ҳар бири бўйича ўрганилганда аниқландики, айримларининг юридик манзиллари ўзгарган, айримлари тайёр маҳсулотларини сота олмадан касодга учраган. Айримлари эса хом ашё ва материаллар танқислигини бошидан кечирмоқда.

Мазкур туманда ҳам фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 43 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 9,4 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 7 та (8,4 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 7 та (8,2 фоиз), қурилишда 6 та (13,0 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 17 та (11,0 фоиз) ва бошқа соҳаларда 6 та (9,2 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

### **Пайарик тумани бўйича:**

Тадқиқот натижасида аниқланишича Пайарик туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 644 тани ташкил этиб, шундан 580 таси ёки 90,1 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 75 таси ҳажмсиз ва 62 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аниқланган. Буларнинг бир қисми жуда қисқа вақт фаолият кўрсатишга эришган. Сабаблари

туриштирилганда кўпларининг хусусий тадбиркорликни юритиш бўйича билим ва тажрибасининг етарли эмаслигига гувоҳ бўлдик.

Ҳисоботларда қайд этилишича, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 72 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 11,0 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 5 та (12,2 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 16 та (9,6 фоиз), транспорт ва алоқада 2 та (11,8 фоиз), қурилишда 15 та (11,7 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 16 та (7,6 фоиз) ва бошқа соҳаларда 18 та (19,6 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Пастдарғом тумани бўйича:**

Кузатувлар кўрсатдики, Пастдарғом туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 1222 тани ташкил этиб, шундан 1110 таси ёки 90,8 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чорақда статистик ҳисоботларни 115 таси ҳажмсиз ва 250 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, мазкур ҳолат уларнинг ҳақиқатда фаолият юритмаётганлигини кўрсатади. Агар фаолият кўрсатмаётган рўйхатига буларни ҳам қўшиб ҳисобласа, уларнинг сони ошиб кетиши тайин. Энг муҳим, гап уларнинг сонининг озлиги ёки кўплигида ҳам эмас. Муҳими, ҳар бир корхонанинг тўхтаб туриши жамият, давлат, аҳоли, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун зарарли эканлигини тасаввур қилиш лозим бўлади. Агар буни тўғри англасаккина ишимизда барор бўлиши мумкин.

Тадқиқот натижаси кўрсатдики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 284 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 23,1 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 32 та (16,4 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 106 та (33,3 фоиз), транспорт ва алоқада 2 та (8,7 фоиз),

қурилишда 20 та (13,7 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 103 та (25,5 фоиз) ва бошқа соҳаларда 21 та (14,9 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Пахтачи тумани бўйича:**

Таҳлиллар натижасида аниқландики Пахтачи туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 344 тани ташкил этиб, шундан 236 таси ёки 68,6 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 62 таси ҳажмсиз тақдим этишган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлигини кўрдик. Ушбу корхоналарнинг юридик манзиллари ноаниқ, таъсисчилари эса ўз бизнесларини чет мамлакатларда давом эттирмоқда.

Кузатишлар натижаси кўрсатдики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 107 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 31,3 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 21 та (32,3 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 11 та (27,5 фоиз), транспорт ва алоқада 3 та (60,0 фоиз), қурилишда 21 та (46,7 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 26 та (24,3 фоиз) ва бошқа соҳаларда 25 та (31,3 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Самарқанд тумани бўйича:**

Шаҳар атрофида жойлашган Самарқанд туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 1050 тани ташкил этиб, шундан 895 таси ёки 85,2 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 133 таси ҳажмсиз ва 130 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аён бўлди. Ҳар бир корхонанинг тўхтаб туриши жамият, давлат, аҳоли, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун ҳам зарарли

эканлигидан келиб чиқадиган бўлсак, биргина шу тумандаги ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётига қанча зарар келтираётганлигини кўриш мумкин.

Ўрганишлар натижаси кўрсатдики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 159 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 14,8 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 41 та (12,5 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 12 та (14,0 фоиз), қурилишда 19 та (19,4 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 61 та (16,1 фоиз) ва бошқа соҳаларда 26 та (15,4 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

#### **Нуробод тумани бўйича:**

Тадқиқот натижасида аниқланишича Нуробод туманида жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 401 тани ташкил этиб, шундан 360 таси ёки 89,8 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чорақда статистик ҳисоботларни 73 таси ҳажмсиз ва 25 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлиги аниқланди. Улар ҳар бирининг тўхтаб туриши жамият, давлат, аҳоли, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун ҳам ўта зарарли эканлигига қарайдиган бўлсак, мазкур соҳани такомиллаштириш ҳам ўта муҳимлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот натижаси кўрсатдики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 62 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 15,3 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 8 та (18,6 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 20 та (15,5 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (33,3 фоиз),

қурилишда 2 та (8,7 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 23 та (15,9 фоиз) ва бошқа соҳаларда 8 та (13,1 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Ургут тумани бўйича:**

Тоғли худудга эга бўлган Ургут туманида ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқланишича жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 1126 тани ташкил этиб, шундан 1022 таси ёки 90,8 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 213 таси ҳажмсиз ва 212 таси умуман ҳисобот тақдим этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлар қаторига тушуб қолган. Таҳлиллар кўрсатдики, уларнинг бир қисмида юридик манзиллари нотўғри кўрсатилган. Бир қисмининг таъсисчилари эса чет мамлакатларда жойлашган корхоналар эгалари бўлиб чиқмоқда. Булар мамлакатимизда бизнесни бошлаб, кейин ташлаб қўйган.

Кузатишлар натижасида аниқландики, фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 98 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 8,7 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 25 та (9,8 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 14 та (5,4 фоиз), транспорт ва алоқада 1 та (4,5 фоиз), қурилишда 11 та (10,1 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 33 та (10,9 фоиз) ва бошқа соҳаларда 14 та (7,6 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқа.

#### **Тайлоқ тумани бўйича:**

Шаҳарга яқин бўлган Тайлоқ туманида ўтказилган тадқиқот натижасида аниқланишича жами рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жорий 2013 йилнинг 1 июль ҳолатига 705 тани ташкил этиб, шундан 646 таси ёки 91,6 фоизи фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур фаолият кўрсатаётган корхоналардан 1-чоракда статистик ҳисоботларни 175 таси ҳажмсиз ва 95 таси умуман ҳисобот тақдим

этишмаган. Ушбу корхоналар фаолият кўрсатаётганлар таснифида турган бўлсада, ҳақиқатда фаолият юритмаётганлигига гувоҳ бўлдик. Бу ҳолатнинг зарарини ҳар бир тўхтаб турган корхона бўйича ҳам аниқлаш мумкин. Буларнинг жамият, давлат, аҳоли, иқтисодиётимиз ва ижтимоий ҳаётимиз учун катта зарардир. Масалан битта корхонада 30 киши ишласа, булар ишсиз қолади. Улар ойлик маъошидан маҳрум бўлади. Шу 30 та оиланинг аҳоли ёмонлашади. Давлат бюджетига тушадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳам тушмасдан қолади. Бу бюджет таҳчиллигига олиб келиши мумкин. Шу корхона ишлаб чиқарган маҳсулоти ҳажмида бозордаги маҳсулотлар камаяди. Бундан жамият ҳам зарар кўради ва ҳ.к.

Барча фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони туманда жорий 2013 йил 1 июль ҳолатига 81 тани ёки рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 11,5 фоизини ташкил этиб, фаолият кўрсатмаётганлар улуши юқориликча қолмоқда. Шундан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда, саноатда 13 та (12,5 фоиз), қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 26 та (14,4 фоиз), қурилишда 8 та (7,9 фоиз), савдо ва умумий овқатланишда 29 та (12,3 фоиз) ва бошқа соҳаларда 5 та (8,1 фоиз) фаолият кўрсатмасдан келмоқда.

Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг умумий сонидан 20 таси 2013 йил 1 апрел ҳолатига фаолият кўрсатмаяпти. Уларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Самарқанд шаҳрида 14 та (70,0 %), Ургут туманида 1 та (5,0 %), Пастдарғом туманида 1 та (5,0 %) ва Самарқанд туманида 4 та (20,0 %) хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмасдан келмоқда. Уларни тармоқ бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 20 та фаолият кўрсатмаётган корхоналардан 13 та (65,0 %) саноат соҳасида 1 та (5, %), қишлоқ хўжалиги соҳасида, 4 та (20,0 %) савдо соҳасида, 2 та (10,0 %) хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналар ташкил этади.

Тадқиқотларимиз натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтиб, фаолият кўрсатмаётганликларига бир қанча

сабаблар борлиги аниқланди. Буларни қуйидаги расмда кўриш мумкин (3.2-расм).



**3.2-расм. КБ ва ХТ субъектларининг фаолият кўрсатмаётганлигининг сабаблари**

Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтиб, аммо фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини қисқартириш ва ноқонуний фаолият олиб бораётган корхоналарни рўйхатга олишни ташкил қилиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқдик.

Биринчидан, хўжалик юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларни туман ҳокимликлари ҳузуридаги рўйхатга олиш инспекциялари томонидан рўйхатдан ўтаётганда ҳар бир субъектга мулк шакли, унинг фаолият тури, мажбуриятлари, устав жамғармалари, солиқ ва статистика ҳисоботларини ўз вақтида топшириш тўғрисида тегишли маълумот ва маслаҳатлар беришлари лозим ва унинг фаолиятни амалга ошириш имкониятининг нечоғлик реаллигига баҳо бериб, уларни ишга туширгунча бўлган босқичларни назоратга олиш мақсадга мувофиқ. Агар сунъий тўсиқлар бўлаётган бўлса, уларни бартараф қилишга кўмаклашиш ҳам маҳаллий ҳокимликлар зиммасида бўлиши керак. Шу туфайли вилоятда ва унинг ҳар бир шаҳри ва туманларида “Рўйхатдан ўтган тадбиркор

фаолият кўрсатиши шарт” тамойилида фаолият кўрсатишга ва ишни ташкил қилишга эришиш лозим бўлади.

Иккинчидан, олдин рўйхатдан ўтиб, аммо бугунги кунда фаолият кўрсатмаётган хўжалик юритувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар фаолиятини таҳлил қилиш, бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари таркибида фаолият кўрсатмаётганлигининг сабабларини аниқлаш, агар имкони бўлса уларни тиклаш чораларини кўриш керак. Айрим имкони бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тугатиш бўйича тегишли таклифлар киритиш керак, уларни рўйхатда ушлаб туришга ҳожат йўқ. Энг муҳими, ҳар бир шаҳар ва туманларда рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатмаётган субъектларни ушлаб туриш амалиётидан воз кечиш чораларини ишлаб чиқиш лозим. Шу туфайли, **“Рўйхатдан ўтиб фаолият кўрсатмаган тадбиркорларга ўрин йўқ”** тамойилида фаолият олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, вилоятда жуда кўп кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтмасдан ноқонуний куфиёна фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундай тадбиркорларни аниқлаш ва уларни рўйхатдан ўтказишга эришиш лозим. Буларни аниқлашда маҳалла фаолларидан фойдаланиш керак. Чунки уларнинг ҳаммасини маҳалла аҳли жуда яхши билишади. Аммо рўйхатдан ўтган-ўтмаганлигидан ҳамиша ҳам воқиф бўлмаслиги мумкин. Шу туфайли тауман ва шаҳар ҳокимликлари тадбиркорларни рўйхатга олишда маҳалладан маълумотнома талаб қилиши ва уларни рўйхатдан ўтказгандан кейин маҳаллага хабар қилиш амалиётини жорий қилиш лозим, деб ўйлаймиз. Шу туфайли **“Тадбиркор маҳаллада ҳисобда”** тамойилида ишни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни рўйхатга олишда мутасадди ташкилотларнинг мажбуриятлари ва жавобгарликларини ошириш лозим. Улар фаолият олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини вақти-вақти билан

мониторинг қилиб бориши мақсадга мувофиқ. Бизнинг мамлакатимиз ва вилоятимизда **“Қуфиёна иқтисодиётга имкон бўлмаслик керак”** тамойилида ишни ташкил қилишга эришиш керак. Масалан, маҳаллада 15 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Улар қачон ва қай тарзда рўйхатдан ўтганлигини маҳаллада назорат қилиб борилиши ва туман ҳокимлигига тегишли маълумотларни бериб бориш амалиётини жорий қилишни ташкил қилиш лозим.

Бешинчидан, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олишда инвестициянинг миқдори, унинг шакли (техника ва технология тарзидаги ёки маблағ шаклидаги) аниқлаш ва уларнинг ишга тушишини назорат қилиб бориш лозим. Қандай қийинчилик ва тўсиқлар бўладиган бўлса, уларга кўмаклашиш ҳам мақсадга мувофиқ. Агар лицензияланадиган фаолият тури бўлиб, унда қийинчиликлар сезиладиган бўлса, лицензия ва сертификатларни ҳам олишга кўмаклашиш лозим бўлади. Аниқ ҳолатдан келиб чиқиб, қаерда қийинчилик ва мураккабликлар бўлса, уларни енгиллаштириш чораларини ҳам кўриш керак. Чунки хориждан келтирилган технология имкони бориши бизда бирор кун ҳам фаолият кўрсатмасдан турмаслиги керак. У туриб қоладиган бўлса, ишлатилмасдан маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб боради. Шу жиҳатдан **“Хорижий технология зудлик билан ишга туширилиши ва барқарор фаолият кўрсатилишини таъминлаш лозим”**, деган тамойил билан ишлашни йўлга қўйиш керак. Ҳозирги модернизация жараёни кетаётган бугунги кунда бундай ҳолатни кечириб бўлмайдиган ҳодиса сифатида баҳолаш лозим.

Олтинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиб фаолиятини бошлаган тадбиркорларни, рақобатли иқтисодиёт сирларини, ишлаб чиқариш ва бозорни топиш ҳамда унда сотиш йўллариини ўргантиш, ушбу масалалар бўйича ходимларнинг малакасини ошириш лозим бўлади. Чунки жуда кўп кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамма нарсага эга бўлсада, ўз фаолиятини мувоффақият билан бошлаб, қисқа вақтда тўхтаб қолган. Буларга жуда кўп

сабаблардан бири ходимларнинг малакасизлиги бўлиб чиқмоқда. Шу туфайли ҳар бир ҳудудда “Тадбиркорларнинг маҳорат мактаби”ни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

Агар юқорида келтирилган таклиф ва мулоҳазалар амалиётга жорий 2013 қилинса бир қанча ижобий натижаларга эришилади. Хусусан:

- ноқонуний фаолият кўрсатиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва уларнинг қонуний фаолият кўрсатиши таъминланади;

- буларнинг фаолияти натижасидан маҳаллий бюджетга тушумлар (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар) кўпаяди;

- ноқонинуни иш билан банд бўлган фуқарорларнинг иш билан бандлиги ҳисобга олинади ва қўшимча янги иш ўринлари яратилади;

- шаҳар ва туманларнинг яширин ҳолатдаги бир қанча иқтисодий кўрсаткичларига аниқлик киритилади ва аниқ статистик маълумотларга эга бўлинади ва уларнинг дастурдаги параметрларининг бажарилишга эришилади.

## ХУЛОСА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденцияларини, уларнинг иқтисодиётдаги ва мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрнини, мазкур субъектларнинг ривожланиш омилларини, улар тизимида инновацион ривожланиш йўлларини, омиллар таъсирини баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиб бир қанча хулосаларга келинди ҳамда илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ишлаб чиқилди.

### Илмий хулосалар:

1. Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишида, ижтимоий ҳаётининг ўнгланишида, аҳолининг яшаш даражасининг сифат босқичига ўтишида, ўрта синфни шакллантиришда, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли ва ўрни беқиёс эканлигини кўриш мумкин.

2. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётда тутган ўрни мустақиллик йилларида муттасил ошиб борди ва 2012 йилда уларнинг ЯИМдаги улуши 54,0 %ни, Самарқанд вилояти ЯХМдаги улуши 70,6 %ни ташкил қилди. Бу жараён давом этмоқда. Кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

3. Жаҳон амалиёти тажрибасидан кўриниб турибдики, 21-асрда ҳар қандай мамлакатнинг, ундаги хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий тараққиёти асосан инновацион ғояларнинг амалиётга жорий қилинишига асосланади. Инновация фан ва техника ютуқлари сифатида иқтисодиётни модернизация қилишда ҳам, моддий-техника базасини такомиллаштиришда ҳам, ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) соҳасини диверсификация қилишда ҳам, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга янги ғояларни киритишда ҳам, иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган ходимлар меҳнатини оддий жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнатга айлантиришда ҳам,

мамлакат ва ҳудудларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳам, аҳолининг яшаш сифати даражасини оширишда ҳам асосий омил бўлиб хизмат қилади. Шу туфайли мазкур масалага мамлакатимизда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бу вилоятдан учун ҳам жуда аҳамиятлидир. Буларни инobatга олиб, инновацион тараққиётга эришиш учун айрим ташкилий масалаларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Буларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг шунчалик аҳамиятига қарамасдан, ушбу соҳада илмий-тадқиқот ишлари жадал олиб борилан ва уларнинг стратегик ривожланиш дастури мамлакатимиз ва унинг алоҳида ҳудудлари бўйича ҳам ишлаб чиқилган эмас. Натижада мазкур соҳа билан боглиқ атамаларнинг назарий жиҳатдан асосланган таърифлари ҳамон ишлаб чиқилмаган. Жуда кўп назарий масалалар ўз эчимини кутаётганлигига гувоҳ бўлдик.

5. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришнинг жуда кўп ички имкониятлари ишга солинмасдан қолиб кетмоқда. Бунга барча рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини юргизиш имкониятлари бўлмаётгани, мазкур соҳа билан шуғулланувчи барча тадбиркорлар (мулкдорлар, корхона эгалари, мутахассислар, ходимлар ва б.қ.) илғор инновацион технологияларни олиб келиши учун хорижга чиқиш ва тегишли маблаг топиш имконияти чекланганлиги, янги инновацион технологияларнинг ўзимизда кам ишлаб чиқиляётганлиги, уларни ишлатиш бўйича махсус кадрларнинг ҳам етарли даражада эмаслиги кабилар сабаб бўлмоқда.

6. Самарқанд вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳолатини, унинг ривожланиш тенденциялари, ишга солинмаган ички имкониятларини ўрганиб бир қанча илмий-амалий аҳамиятга молик хулосаларга келинди ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтиб, ўз вақтида фаолиятини бошлаб

баркарор фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Аммо айрим рўйхатдан ўтганлари ўз фаолиятини бирданига бошлай олган эмас. Бир қисм кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ноқонуний фаолият олиб бораётганлиги ҳам сир эмас. Чунки, уларнинг ноқонуний фаолиятнинг фош қилинаётганлигини тегишли ҳуқуқ тартибот идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари ва ОАВ саҳифаларида, радио ва телевидения эшиттириш ва кўрсатувларида аён бўлмоқда.

7. Вилоят иқтисодиётида, яъни унинг ялпи ҳудудий маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши ҳам ошиб бормоқда. Унинг миқдори 2012 йил натижалари бўйича 70,6 %ни ташкил қилди. Бу республика кўрсаткичига (54,0 %) нисбатан анча юқори.

8. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитнинг яхшиланганлиги туфайли Самарқанд вилоятида рўйхатдан ўтган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг сони ҳам ошиб бормоқда. Уларнинг умумий сонидан 20 таси 2013 йил 1 апрел ҳолатига фаолият кўрсатмаяпти. Уларни ҳудудлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, асосий қисм Самарқанд шаҳрига тўғри келади. Буларнинг ҳам сабабларини чуқур ўрганишни тақозо қилади.

Мазкур хулосалар билан биргаликда бир қанча илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган илмий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

#### **Илмий тавсиялар:**

1. КБ ва ХТ бирикмасининг назарий мазмунига аниқлик киритиш учун тадбиркорлик тушунчасининг таърифини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, унга ўзимизнинг таърифимизни бердик. **Тадбиркорлик** дейилганда, ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ даромад олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш,

хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкый жавобгарлиги астида амалга оширадиган ташаббускорлик фаолияти тушунилади.

2. Тадбиркорликни амалга оширувчи шахс – бу тадбиркордир. Шунинг учун ушбу атаманинг ҳам таърифини келтирдик. **Тадбиркор** дейилганда, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва ташкил этмасдан қонуний асосда камият эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи жисмоний шахс тушунилади.

3. Тадбиркор ва тадбиркорлик тушунчаларига аниқлик киритилгач, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам таърифини ишлаб чиқиш учун объектив зурурият туғулди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, назкур атамага ҳам таъриф бердик. **Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари** дейилганда, қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган шартлар сони доирасида ўз мулкига асосланиб таваккал қилиб, жамият манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатадиган (ишлаб чиқариш, иш ажариш, хизмат кўрсатиш) хўжалик юритувчи субъектлар (юридик шахс ташкил қилган ва юридик шахс ташкил қилмасдан фаолият кўрсатадиган) тушунилади.

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг рақобатбардошлигини ва самарали ривожланишини таъминлашда инновацияларнинг, уларни амалиётга жорий қилишнинг аҳамияти катта. Шу ҳақида ушбу Инновацияга ва унинг ҳосиласи бўлган инновацион иқтисодиётга таъриф беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик ва унинг таърифини ишлаб чиқардик. **Инновацион иқтисодиёт** дейилганда, иқтисодий ўсишнинг учдан бир қисмини (1/3) инновациялар жорий қилиш эвазига эришилган иқтисодиёт тушунилади.

5. Инновацияларни амалга ошириш инвестицияларни талаб қилади. Аммо инвестицияларни кўр-кўрона қўйиб бўлмайди. Унинг келажагини баҳолаш бугунги кун баҳоси билан баҳолаш, бугунги кундаги миқдорини келгуси давр билан таққослаш лозимлигидан келиб чиқиб, олдинги маълум бўлган, аммо кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига жорий қилиниши лозим

бўлган инновацион лойиҳаларни баҳолаш усулларини тавсия қилдик. Бунда дисконтлаштириш, дисконтлаштириш коэффиценти, дисконтлаштириш коэффицентнинг жорий қиймати, дисконтлаштириш коэффицентининг келгуси қиймати, фоиз, асосий сумма, оддий фойиз, мураккаб фойиз, каби тушунчаларнинг таърифлари берилди ва улардан амалиётда фойдаланиш йўллари кўрсатилди.

6. Инновацион лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа циклини босиб ўтади. Аммо ушбу тушунчанинг ҳам таърифини ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли ушбу тушунчанинг ҳам таърифини беришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. **Лойиҳа цикли** дейилганда, инновацион гоёнинг пайдо бўлишидан тортиб, то унинг моддий қийматга эга бўлгунга қадар даврларни ўз ичига оладиган лойиҳа циклининг босқичлари тушунилади.

7. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз, хусусан вилоятимиз янгиланиш, тараққиётнинг янги босқичини бошидан кечирмоқда. Шу туфайли олимларимиз ва мутахассисларимиз томонидан инновацион гоёлар кўплаб пайдо бўлмоқда. Аммо тан олиб айтиш керак, уларнинг кўпи юзага чиқмасдан қолиб кетмоқда. Чунки вилоятлар бўйича мазкур масалани мувофиқлаштирадиган бирорта ташкилот йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Буларни инобатга олиб, вилоятларда **“Инновацион гоёларни жамлаш ва жорий қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш”** ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Агар бунга эришилса, мамлакатимиз бўйича барча назарий ва амалий инновацион ривожланиш гоёлари, таклифлар жамланади ва уларни амалга ошириш йўллари жамоавий тарзда олимлар ва мутахассислар кўмагида ишлаб чиқилади.

8. Инновацион гоёларни мувофиқлаштирувчи кенгашнинг йўқлиги туфайли, уларни жамлаш механизми ҳам ишлаб чиқилмаган. Шу туфайли оқорида таклиф қилинган **кенгаш таркибиига ҳар бир ҳудуднинг Олий ўқув юртларининг илмий ишлари бўйича проректорлари, етакчи олимлар ва мутахассислар** киритилиши ва бу ташкилотни бевосита раҳбарлик қилиши лозим, деб ўйлаймиз. Ҳар бир олий ўқув

юрти ўзларида мавжуд бўлган инновацион ғояларни расмий равишда тақдим этади ва Кенгашда атрофлича ўрганилади ва яроқлилари амалиётга тавсия қилинади. Инновацион ғоя муаллифига кенгаш томонидан муаллифлик ҳуқуқини сақлаб қоладиган тегишли ҳужжат берилади. Агар зарур деб топилса патент олишгача бўлган тадбирларни кенгаш томонидан амалга оширилиши мумкин. Бу тадбирлар ҳам КБ ва ХТ субъектларини ривожлантириш имкониятини яратади.

9. Мамлакатимизда, хусусан ҳар бир вилоятда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал ривожланмоқда. Аммо бизда инновацион ғояларни синовдан ўтказиш имконияти йўқлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Фикримча, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис билан ҳамкорликда вилоятда **“Хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновацияларни синаб кўрадиган тажриба майдони”**ни ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Шундагина олимлар томонидан яратилган инновацион ғоялар мамлакат иқтисодиётига хизмат қилиш имконияти пайдо бўлади. Бунга олимлар, мутахассислар, кичик бизнес билан шуғулланадиган тадбиркорлар бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатликда фаолият кўрсатишлари лозим.

10. Мамлакатда КБ ва ХТ субъектларини ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдан манфаатдор ташкилотлар жуда кўп. Уларнинг бир қисми соҳада фаолият кўрсатаётган субъектлар бўлса, бошқа қисми улардан манфаатдор давлат идоралари (солиқ, молия, статистика бошқармалари), банк, бозор кабилардир. Улар ҳам бир-бири билан айри ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир вилоятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, ушбу идоралар раҳбарларини ҳам мувофиқлаштирадиган ташкилотни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят ташкилотларида **“Хизмат кўрсатиш соҳаси кластери”**ни ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Мазкур кластерга КБ ва ХТ субъектларини ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ субъектлар билан биргаликда уларнинг ривожланишидан манфаатдор ҳудудлардаги барча ташкилотлар ҳам киритилиши лозим. Мазкур кластерда вақти-вақти билан ҳақиқий ҳолат

таҳлил қилиниб, ҳокимият ва бошқа ташкилотларга тегишли тавсиялар бериб борилади. Бу бошқарув қарорларининг илмий асосланганлик даражасини оширади.

11. Бевосита инновацияларни амалиётга жорий қилишга масъул шахслар, яъни кўпгина ташкилот раҳбарлари ва мутахассислар ҳам инновациянинг назарий масалаларини, унинг мазмун-моҳиятини чуқур билишмайди. Чунки бу атамалар яқинда пайдо бўлган. Аммо ўта зарур тадбирлардандир. Ушбу ҳолатга барҳам бериш учун вилоятлар миқёсида **“Инновация ва инновацион ғояларни амалга ошириш механизмлари”** мавзусида иқтисодий ўқувни ташкил қилиш ва унда етакчи олимлар ва тажрибали амалиётчиларни жалб қилган ҳолда мутахассисларни тизимли равишда ўқитишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Вилоятда фаолият кўрсатаётган мутахассислар инновациянинг нималигини ва унинг қандай самара беришини чуқур англаб олишлари лозим. Натижада уларнинг ҳар бирида инновацион ғояларнинг пайдо бўлиши ва уларни амалиётга тадбиқ этиш механизмни амалга ошириш имконияти ва билим савияси шаклланади. Муҳими, мамлакат иқтисодиёти инновацион йўл билан ривожланиш босқичига ўтади. Бу унинг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим омиллардандир.

12. КБ ва ХТ субъектларини ва хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса туризм соҳаларининг статистикаси етарли даражада ривожланмаган. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ жуда кўп маълумотлар ҳисобга олинмайди. Соҳани тўғри ҳисобга олиб боришни йўлга қўйиш учун **“Хизмат кўрсатиш соҳаси статистикасини такомиллаштириш”** бўйича тадқиқотлар олиб бориш ва уни амалиётга жорий қилиш мақсадида услубий тавсияни ишлаб чиқиш ва уни шакллантиришда олимлар билан амалиётчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш лозим. Ҳозирги пайтда Ялпи ҳудудий маҳсулотда КБ ва ХТ субъектларини ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши катта. Агар ушбу тадбирлар амалга оширилса, унинг реал ҳисоб-китобига янада аниқлик киритилади. Энг муҳими мазкур масалани ривожлантириш бўйича тегишли

қарорларни қабул қилишда илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш имконияти туғилади, деб ўйлайман.

